

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

Лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатига риоя этилиши устидан давлат назорати бош бошқармаси

**Давлат архитектура-қурилиш назорати
худудий инспекциялари нозирларига**

Э С Л А Т М А

Тошкент ш.

**Главное управление государственного надзора по
контролю за соблюдением качества проектных и
строительно-монтажных работ**

П А М Я Т К А

**инспектору инспекции государственного
архитектурно-строительного надзора
Госархитектстроя Республики Узбекистан**

г. Ташкент

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

*Лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатига риоя
этилиши устидан давлат назорати бош бошқармаси*

**Давлат архитектура-қурилиш назорати
худудий инспекциялари нозирларига**

Э С Л А Т М А

Тошкент ш.

Кириш сўзи

Ушбу Эслатма Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатига риоя этилиши устидан давлат назорати бош бошқармаси томонидан Давлат архитектура - қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари нозирларининг касбий билимлари даражасини ошириш мақсадида ва уларнинг кундалик амалий фаолиятида фойдаланиши учун тайёрланди.

Ушбу Эслатмадан фойдаланувчилар уни янада мукамаллаштириш бўйича мулоҳазалари ва таклифларини “Давархитектқурилиш” қўмитасининг Лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатига риоя этилиши устидан давлат назорати бош бошқармасига киритишини илтимос қиламиз.

**Ушбу Эслатмага илова қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1	Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси	4
2	Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонуни	37
3	Ўзбекистон Республикасининг “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги қонуни	45
4	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996-йил 8-августдаги ПФ-1503 сонли Фармони “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш”	48
5	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998-йил 19-ноябрдаги ПФ-2114 сонли “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги Фармони	50
6	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000-йил 29-декабрдаги 509-сонли “Қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори	53
7	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 17-сентябрдаги 404-сонли “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори	62
8	“Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17-сентябрдаги 404-сонли қарори билан тасдиқланган “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг ижроси бўйича тавсиялар	64
9	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 2-декабрдаги 538-сонли Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори	71
10	Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан 2006-йил 11-мартда 06-01-01-сонли қарор билан тасдиқланган “Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида Низом”нинг янги таҳрири	89
11	Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2001-йил 23-апрелдаги 01-сонли қарори билан тасдиқланган “Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида Низом”	101
12	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001-йил 15-майда рўйхатга олинган 917-1 сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида Низом”нинг янги таҳрири	109

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИ

ЎзРнинг 30.04.2004 йилдаги 261-II-сонли Қонунининг
XXVII.бўлимига, 07.07.2006 йил ЎРҚ-39-сон Қонунини
1-моддасига асосан тахрирга ўзгартиришлар киритилди

I Боб. Умумий қоидалар

1-модда. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида шаҳарсозлик соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу кодексда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аҳолини жойлаштириш тизими-мавжуд аҳоли пунктларини ривожлантириш ҳамда янги аҳоли пунктларини барпо этиш йўли билан аҳолини тегишли ҳудудга тартибга солиб бориладиган тарзда жойлаштиришнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари билан белгиланадиган асосий йўналишлари;

аҳоли пунктининг бош режаси - яшаш ва фаолият муҳтини шакллантиришнинг комплекс шароитларини, аҳоли пунктлари ҳудудий ривожлантиришининг асосий йўналишларини белгилайдиган шаҳарсозлик ҳужжатлари;

аҳоли пунктлариаро ҳудудлар-аҳоли пунктлари чегарасидан ташқаридаги икки ва ундан ортиқ аҳоли пункти ўртасидаги ҳудудлар;

бино - функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар ҳил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, ёпиқ ҳажмни ташкил этувчи таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

зоналаштириш - ҳудудни ривожлантиришнинг шаҳарсозлик жихатидан режалаштирилишида шаҳарсозликнинг фойдаланиш турларини ҳамда бу турлардан фойдаланишдаги чеклашларни белгилаб олган унинг функционал мақсадга кўра бўлиниши;

иншоот - ҳар турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни сақлашга, одамларнинг вақтинча бўлишига, одамлар, юклар ва бошқа нарсаларни олиб ўтишга мўлжалланган, таянч, тўсма

ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизик тарзидаги қурилиш тизими;

шаҳар ва посёлка чизиғи - аҳоли пункти ерларининг уларни ер фондининг бошқа тоифаларидан ажратиб турадиган, шаҳарсозлик ҳужжатларида белгилаб қўйилган ташқи чегараси;

шаҳарсозлик - аҳоли пунктларини, аҳоли пунктлариаро ҳудудларни режалаштириш ҳамда қурилишнинг ижтимоий-иқтисодий, қурилиш-техника, архитектура-бадий ва санитария-гигиенага оид ечимларининг йиғиндисини таъминловчи назарияси ва амалиёти;

шаҳарсозлик регламенти - шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда аҳоли пунктлари ва аҳоли пунктлариаро ҳудудларнинг ер участкалари ва ўзга қўчмас мулк объектларидан фойдаланишнинг аҳоли пунктлари ва ҳудудларни қуриш қоидалари билан белгиланган кўрсаткичлари ва турлари йиғиндиси;

шаҳарсозлик фаолияти-давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш, ер участкаларидан фойдаланиш турларини белгилаш, бинокорлик материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш, бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларнинг фуқаролар манфаатлари, жамият ва давлат манфаатлари, шунингдек, мазкур ҳудудлар ҳамда аҳоли пунктларининг миллий, тарихий-маданий, экологик, табиий хусусиятлари инobatга олинган ҳолда лойиҳалаштирилиши, қурилиши ва реконструкцияси соҳасидаги фаолияти;

шаҳарсозлик ҳужжатлари - ҳудудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш тўғрисидаги ҳамда уларни қуриш ҳақидаги, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжатлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳи (схемаси) - аҳолини жойлаштириш тизимларини ривожлантириш, табиатдан фойдаланиш, ҳудудларни, умумдавлат аҳамиятига молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ва йўллари белгилайдиган шаҳарсозлик ҳужжатлари;

қизил чизик - даҳалар, мавзелар ва режалаштириш тузилмаси бошқа қисмларининг ҳудудларини аҳоли пунктларининг қўчалари, тор қўчалари ва майдонларидан ажратиб турувчи, шаҳарсозлик ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган чегаралар;

қурилишни тартибга солиш чизиқлари - бинолар ва иншоотларни жойлаштиришда шаҳарсозлик ҳужжатларида қизил чизикчалардан ёки ер участкаси чегараларидан маълум оралик жой ташлаган ҳолда белгилаб қўйиладиган қуриш чегаралари;

ҳудудни режалаштириш тарҳи - ҳудуднинг зоналаштирилишини, аҳолини жойлаштириш тизимлари такомиллаштирилишининг, тегишли ҳудуднинг аҳоли пунктларини, саноати, қишлоқ хўжалигини, минтақалараро, минтақавий ҳамда аҳоли пунктлариаро аҳамиятга молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайдиган шаҳарсозлик ҳужжатлари;

худудни ривожлантиришнинг тармоқ тархи - тегишли худудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайдиган шаҳарсозлик ҳужжатлари.

3-модда. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари шаҳарсозликнинг асоси бўлиб, улар шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширувчи давлат органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар ижро этиши учун мажбурийдир.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари шаҳарсозлик соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда манфаатларига даҳл этилиши мумкин бўлган кўчмас мулк объектларининг мулкдорлари, эгалари ва мазкур объектлардан фойдаланувчилар ҳуқуқлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқлари масалалари юзасидан давлат органлари қарорлар чиқариши учун асос бўлади.

4-модда. Жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатлари

Шаҳарсозлик воситалари орқали шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари аҳолисининг қулай яшаш шароитларини таъминлаш, хўжалик ва бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга етказадиган зарарли таъсирига йўл қўймаслик, экологик ҳолатни яхшилаш, аҳоли пунктларининг ва уларга туташ худудларининг муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш, маданий мерос объектларини сақлаш жамиятнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатларидир.

Аҳоли пунктларини ва аҳоли пунктлариаро худудларни барқарор ривожлантириш учун шароитларни таъминлаш, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларнинг давлат тизимлари иш олиб бориши, табиий ресурсларни сақлаш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш давлатнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатларидир.

Шаҳарсозлик соҳасида жамият ва давлат манфаатларини уйғунлаштириш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан таъминланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатларига уларнинг шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган манфаатлари тааллуқлидир.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик фаолияти, башарти бундай фаолият чегарадош ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектларининг

мулкдорлари, эгалари, ҳамда мазкур участка ва объектлардан фойдаланувчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилишига монелик қиладиган бўлса, чекланиши керак.

Жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, бошқа қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик ҳужжатлари талаблари бажарилиши, шунингдек, бу талабларга риоя этилишини назорат қилиш орқали таъминланади.

Агар шаҳарсозлик фаолияти жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларига зид бўлса, бундай фаолият тугатилиши керак.

5-модда. Фуқароларнинг қулай яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳити билан таъминланиш ҳуқуқи

Ҳар бир фуқаро қулай яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳити билан таъминланиш ҳуқуқига эга.

Шаҳарсозлик фаолиятининг амалга оширилишида фуқароларнинг қулай яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳити билан таъминланиш ҳуқуқи:

шаҳарсозлик фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши;

ҳудудлар ва аҳоли пунктларини ривожлантиришнинг шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштирилиши;

фуқароларнинг шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда иштирок этиши;

бинокорлик материаллари ва қурилиш соҳасидаги буюмларнинг сертификатланиши;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш устидан давлат ва жамоат назорати;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик натижасида фуқароларга етказилган ҳамда уларнинг яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳити ёмонлашувига сабаб бўлган зарарни белгиланган тартибда компенсация қилиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш орқали таъминланади.

6-модда. Шаҳарсозлик фаолиятининг асосий талаблари

Шаҳарсозлик фаолиятининг асосий талаблари қуйидагилардан иборат:

шаҳарсозлик фаолияти барча субъектлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши;

ҳудудлар ва аҳоли пунктларини табиий ва техноген хусусиятдаги фавқуллодда вазиятларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик талабларига, шунингдек, санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилиш;

маданий мерос объектларини ва алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни сақлаш талабларига риоя этиш;

Аҳоли пунктларини аҳоли пунктнинг мазкур тури учун шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида белгиланган аҳолига хизмат кўрсатиш даражасидан кам бўлмаган муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилма объектлари, рекреация ва соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган объектлар, шунингдек, ҳудудларни ободонлаштириш объектлари билан таъминлаш;

ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларидан (уй-жой, жамоат, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари, дам олиш жойлари, маданий-томоша муассасалари ва бошқа объектлардан) монеликсиз фойдаланиш учун шароитлар яратиш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қарорларнинг муҳокамаси ва қабул қилинишида фуқаролар, жамоат бирлашмалари иштирок этиши учун шароитларни таъминлаш;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши.

7-модда. Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солиниши

Агар ҳудуддан фойдаланишнинг махсус қоидаларини жорий этмай туриб, шаҳарсозлик соҳасида жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини таъминлаш мумкин бўлмаса ёки қийин бўлса, шаҳарсозлик фаолият алоҳида тартибга солинади.

Алоҳида тартибга солиниши лозим бўлган шаҳарсозлик фаолияти объектлари (бундан буён матнда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари деб юритилади) умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлиши мумкин. Мазкур объектларни умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Шаҳарсозлик фаолияти қуйидаги ҳолларда алоҳида тартибга солиниши лозим.

ҳудудлар ва аҳоли пунктлари табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг таъсирига учраганда;

ҳудудлар концентрацияси йўл қўйиладиган даражадан ортиқ кимёвий ва биологик моддалар, зарарли микроорганизмлар, йўл қўйиладиган даражадан ортиқ миқдордаги радиоактив моддалар билан ифлосланганда;

мазкур фаолият алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда амалга оширилаётганда.

Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари жумласига қуйидаги аҳоли пунктлари киритилиши ҳам мумкин:

Ўзбекистон Республикаси пойтахти - Тошкент шаҳри;

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти - Нукус шаҳри;

вилоятларнинг маъмурий маркази бўлган шаҳарлар;

худудда маданий мерос объектлари бўлган шаҳарлар;

курорт-шаҳарлар;

кўриқхона-шаҳарлар;

яшаш ва фаолият кўрсатишининг алоҳида режими белгиланган аҳоли пунктлари (ҳарбий шаҳарчалар ва ўзга режимли худудлар, Давлат кўриқхоналаридаги, миллий боғлар ва бошқа алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлардаги аҳоли пунктлари).

Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегаралари маъмурий-худудий тузилмалари чегараларига тўғри келмаслиги мумкин ҳамда улар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Худудлар ва аҳоли пунктларида шаҳарсозлик фаолиятини алоҳида тартибга солиш худудлардан фойдаланишнинг қуйидагилар қамраб олинган махсус қоидаларни жорий этиш йўли билан амалга оширилади:

махсус шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашнинг алоҳида тартиби;

объектлар қурилишига махсус рухсатномалар бериш.

Табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг таъсирига учраган худудлар ва аҳоли пунктларида шаҳарсозлик фаолиятини алоҳида тартибга солиш:

худудлар ва аҳоли пунктларини мазкур таъсирдан ҳимоя қилишнинг махсус тарҳлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини комплекс муҳандислик кидирувлари натижаларини ҳисобга олмасдан туриб ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга оширишни тақиқлаш орқали амалга оширилади.

Концентрацияси йўл қўйиладиган даражадан ортиқ кимёвий ва биологик моддалар, зарарли микроорганизмлар, йўл қўйиладиган даражадан ортиқ микдордаги радиоактив моддалар билан ифлосланган худудлар, агар бундай худудларда аҳолининг яшashi ҳамда ҳўжалик ва бошқа фаолият олиб бориши инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдираётган бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервация қилиниши ва уларга махсус ишлов берилиши лозим. Мазкур худудларнинг ифлосланиш даражасига ҳамда уларни соғломлаштириш усулига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан улардан фойдаланишнинг алоҳида режими жорий этилиши ёки бошқа функционал мақсади белгиланиши мумкин.

Маданий мерос объектлари, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлари бўлган худудларда ва аҳоли пунктларида муҳофаза зоналарининг чегаралари белгиланиб, улар доирасида маданий мерос объектларига, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларга зарар етказадиган ёки уларнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ҳамда уларнинг яхлитлигини ва сақланишини бузадиган ҳўжалик ҳамда бошқа фаолият чекланади ёки тақиқланади.

Маданий мерос объектларининг, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг муҳофаза зоналари чегаралари шаҳарсозлик ҳужжатлари билан белгиланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

8-модда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш чоғидаги мажбуриятлари

Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш чоғида юридик ва жисмоний шахслар:

Яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳитини муҳофаза қилишлари;
шаҳарсозлик ҳужжатларига, аҳоли пунктлари ва ҳудудларни қуриш қоидаларига (бундан буён матнда қуриш қоидалари деб юритилади) риоя этилишини таъминлашлари;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик талабларига, шунингдек, санитария нормалари ҳамда қоидаларига риоя этишлари;

атроф-муҳитга, маданий мерос объектларига, шаҳар, қишлоқ ландшафтларига, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузимлар объектларига, ҳудудларни ободонлаштириш объектларига зарарли таъсир этадиган, учинчи шахсларнинг қонуний манфаатларига дахл этадиган ҳамда чегарадош ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектларининг мулкдорлари, эгалари ёки мазкур участка ва объектлардан фойдаланувчилар ҳуқуқлари амалга оширилишига монелик қиладиган ҳатти-ҳаракатлар содир этмасликлари;

ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектларидан шаҳарсозлик регламентларига риоя этган ҳолда фойдаланишлари;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан текшириш ва назоратни амалга оширадиган давлат органларининг кўрсатмаларини бажаришлари;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишни устидан текшириш ва назоратни амалга оширадиган давлат органларининг мансабдор шахсларига кўмаклашишлари;

ўзларига тегишли объектлардаги ўзгаришлар ҳақида давлат шаҳарсозлик кадастри ва шаҳарсозлик фаолияти объектларининг мониторинги юритилишини амалга оширадиган органга ҳамда объектларни техникавий инвентаризациядан ўтказилган ташкилотларга ишончли маълумотлар тақдим этишлари;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг материалларини, шу жумладан, комплекс муҳандислик қидирувларининг материалларини шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг тегишли таркибий бўлинмаларига белгиланган тартибда тақдим қилишлари шарт.

9-модда. Аҳоли пунктларининг турлари

Аҳоли пунктлари шаҳар аҳоли пунктлари (шаҳарлар, шаҳар посёлкалари) ва қишлоқ аҳоли пунктларига (қишлоқлар, овуллар) бўлинади.

Аҳоли сонига қараб шаҳар аҳоли пунктлари қуйидагиларга бўлинади:

энг йирик аҳоли пункти - аҳолисининг сони бир миллиондан ортиқ кишидан иборат;

йирик аҳоли пункти - аҳолисининг сони икки юз эллик мингдан бир миллионгача кишидан иборат;

катта аҳоли пункти - аҳолисининг сони юз мингдан икки юз эллик минггача кишидан иборат;

ўртача аҳоли пункти - аҳолисининг сони эллик мингдан юз минггача кишидан иборат;

кичик аҳоли пункти - аҳолисининг сони эллик минггача кишидан иборат.

Аҳоли сонига қараб қишлоқ аҳоли пунктлари қуйидагиларга бўлинади:

йирик аҳоли пункти - аҳолисининг сони беш мингдан ортиқ кишидан иборат;

катта аҳоли пункти - аҳолисининг сони уч мингдан беш минггача кишидан иборат;

ўртача аҳоли пункти - аҳолисининг сони бир мингдан уч минггача кишидан иборат;

кичик аҳоли пункти - аҳолисининг сони бир минггача кишидан иборат.

Вақтинчалик аҳамиятга молик ва аҳоли таркиби доимий бўлмаган ҳамда иқтисодий тегишли тармоғининг хизмат мақсадларидаги объектлар ҳисобланадиган бинолар ва иншоотларнинг гуруҳлари (вахта усулида ишловчи нефтчилар, газчилар, қидирувчиларнинг посёлкалари ҳамда уйлари), шунингдек, алоҳида, якка турган уйлар (темир йўл назоратчиларининг, ўрмончиларнинг уйлари, дала шийпонлари ва бошқалар), бу бино ва иншоотлар маъмурий, ишлаб чиқариш ёки ҳудудий муносабатларда қайси шаҳарсозлик фаолияти субъектлари билан боғлиқ бўлса, ҳудди шу субъектлар тасарруфида бўлади.

Аҳоли пунктининг турига қараб қонун ҳужжатларида шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби белгиланади.

Янги аҳоли пунктларини жойлаштириш ҳамда мавжуд аҳоли пунктларини ривожлантириш аҳоли пункти турига, ижтимоий-иқтисодий ва шаҳарсозлик истиқболига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш бош тарҳига, ҳудудларни режалаштириш тарҳлари ҳамда туманни (туманлар, гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларига, аҳоли пунктларининг бош режаларига, шунингдек, бундай пунктларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига мувофиқ амалга оширилади.

Аҳоли пунктларини ташкил этиш ҳамда қайта ташкил этиш уларнинг мақомини ва чегараларини ўзгартириш тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Аҳоли пунктлари чегараларидаги ерлар, тасдиқланган бош режаларга мувофиқ, улардан фойдаланишнинг тартибга солинишини амалга оширувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлади.

Аҳоли пунктларининг ерларидан фойдаланиш шартлари ва тартибига доир шаҳарсозлик талаблари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

10-модда. Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларининг муҳокамаси ва қабул қилинишидаги иштироки

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ирлашмалари яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳитининг ҳолати, тахмин илинаётган ўзгаришлари, аҳоли пунктларининг бош режалари, ўй-жой-фуқаролик объектларининг қурилиши, реконструкцияси, ҳудудларнинг бодонлаштирилиши, муҳандислик ва транспорт комуникацияларининг тказилиши тўғрисида ўз вақтида ва ишончли, тўлиқ ахборот олиш ҳамда аҳарсозлик фаолияти ҳақидаги ўзига ахборотни олиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамият бирлашмаларини шаҳарсозлик фаолияти тўғрисида хабардор қилиш, давлат органлари томонидан оммавий ахборот воситалари орқали, шунингдек, жамоат муҳокамалари ўтказиш, экспозиция ва кўргазмалар ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқлангунга қадар уларни муҳокама қилиш, уларга таклифлар киритиш ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги қарорларни тайёрлашда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари фуқаролар фуқароларнинг, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг манфаатларига даҳлдор, шаҳарсозлик фаолияти масалаларига тааллуқли мурожаатларини ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқадилар ва уларга белгиланган муддатларда асосли жавоблар тақдим қиладилар.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари, башарти шаҳарсозлик фаолияти уларнинг манфаатларига даҳл этадиган бўлса, қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг жойлаштирилиши, лойиҳалаштирилиши, қурилиш, реконструкцияси ёки фойдаланишга топширилиши тўғрисидаги қарорнинг маъмурий ёки суд тартибида бекор қилинишини талб қилиш;

корхоналар фаолиятини, шунингдек, бошқа кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни, башарти уларни ишлатиш шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширилаётган бўлса, маъмурий ёки суд тартибида чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тақиқлашни талаб қилиш;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги муносабати билан фуқароларнинг соғлиғи ва мол-мулкига, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга даъво тақдим қилиш;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка айбдор шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишни талаб қилиш;

шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқлангунга қадар ўз маблағлари ҳисобидан уларнинг мустақил экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш.

11-модда. Юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши

Юридик ва жисмоний шахсларга шахарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги натижасида ёки ер участкалари олиб қўйилганлиги ҳамда уларга тегишли бўлган бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар бузилганлиги муносабати билан етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши лозим.

II Боб. Шаҳарсозлик фаолияти объектлари ва субъектлари

12-модда. Шаҳарсозлик фаолиятининг объектлари

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ва қисмлари, аҳоли пунктларининг бутун ҳудуди ва қисмлари, аҳолини жойлаштириш умумдавлат ва минтақавий тизимлари, ер участкалари, бинолар ва иншоотлар, ҳудудий-ишлаб чиқариш, шаҳарсозлик ва ландшафт мажмуалари, рекреацион ва ишлаб чиқариш зоналари, маданий мерос объектлари ва уларнинг муҳофаза зоналари, аҳоли пунктлари чегараларидаги ва аҳоли пунктлариаро ҳудудлардаги акваториялар, муҳандислик ва транспорт коммуникациялари шаҳарсозлик фаолиятининг объектларидир.

Шаҳарсозлик фаолияти объектлари учун шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилади.

13-модда. Шаҳарсозлик фаолияти субъектлари

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар шаҳарсозлиги фаолияти субъектларидир.

Шаҳарсозлик фаолияти субъектлари:

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида буюртмачилар;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқарувчилар;

объектларнинг қурилиши бўйича пудратчилар;

шаҳарсозлик фаолияти объектларидан фойдаланувчилар сифатида иш кўришлари мумкин.

Шаҳарсозлик фаолияти субъектлари тегишли давлат органларидан аҳоли пунктлари, уларнинг тизимлари ва ҳудудларини режалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ бўлган, ўзларининг шаҳарсозлик фаолиятига таъсир этадиган қарорлар тайёрланиши ҳақида ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Шаҳарсозлик фаолияти субъектлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзларига мулк қилиб, эгалик қилишга ва фойдаланишга берилган ер участкаларидан белгиланган мақсадда фойдаланишлари, шунингдек, маданий мерос объектларига, табиий ва сунъий ландшафтларга зарар етказмасликлари, яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳити ёмонлашувига, шаҳарсозлик фаолияти бошқа субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмасликлари шарт.

14-модда. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар шаҳарсозлик фаолияти соҳасида буюртмачилар бўлиши мумкин.

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар:

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчини танлаш ҳамда уларни ишлаб чиқишга доир шартнома тузиш;

Объектларнинг қурилиши бўйича пудратчини танлаш ва у билан шартнома тузиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар:

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишлари;

шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши бўйича муаллифлик назорати олиб борилишини таъминлашлари;

асос бўлувчи ва рухсат берувчи ҳужжатлар ўз вақтида тайёрланишини ва шаҳарсозлик ҳужжатлари тасдиқланишини таъминлашлари шарт;

лойиҳалаштириш жараёнини текшириб боришлари ва қурилиш сифати устидан техникавий назорат қилишлари;

шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши бўйича муаллифлик назорати олиб борилишини таъминлашлари шарт.

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги буюртмачилар зиммасида, қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

15-модда. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар

Тегишли лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахслар шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар бўлиши мумкин.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар:

қонун ҳужжатларига мувофиқ шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқи-лишини таъминлашлари;

ўзлари ишлаб чиққан шаҳарсозлик ҳужжатларини барча манфаатдор орган-лар ва ташкилотлар билан белгиланган тартибда келишиб олишлари шарт.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар зиммасида қонун ҳужжат-ларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин;

Шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши бўйича муаллифлик назора-тини олиб бориш;

қурилиш, монтаж ва махсус ишлар тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва норматив талаблардан фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган, маданий мерос объектлари шакастланиши ва йўқ қилиниши хавфини туғдиради-ган, шунингдек, жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатла-рига зарар келтирадиган тарздаги четга чиқишлар билан бажарилганда қурилиш, монтаж ва махсус ишларни тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш ҳақида таклифлар киритиш;

зарурат бўлган тақдирда, шаҳарсозлик ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқарувчилар шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари шарт.

16-модда. Объектлар қурилиши бўйича пудратчилар

Ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари асосида олиб боровчи юридик ва жисмоний шахслар объектлар қурилиши бўйича пудратчилар бўлиши мумкин.

Объектлар қурилиши бўйича пудратчилар:

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг амалий ечимларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчи, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг тегишли таркибий бўлинмаси ва буюртмачи билан келишилган ҳолда шаҳарсозлик ҳужжатларига бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг архитектура-бадий кўриниши ҳамда амалий ечимни ёмонлаштирмаган тарзда техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилайдиган ўзгартишлар киритиш;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар зарур техник маслаҳат олиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Объектлар қурилиши бўйича пудратчилар шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишлари шарт.

III Боб. Давлат органларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари

17-модда. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органи амалга оширади.

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча вазирликлар давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

шаҳарсозлик соҳасида комплекс давлат дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишига кўмаклашади;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида норматив ҳужжатлар қабул қилади;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати олиб борилиши тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳини ҳамда Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тарҳларини, умумдавлат аҳамиятга молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларини ҳамда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш лойиҳаларини тасдиқлайди; қонун ҳужжатларида белгиланган ваколати асосида шаҳарларнинг бош режаларини тасдиқлайди;

шаҳар атрофи зоналарининг чегараларини тасдиқлайди;

умудавлат аҳамиятга молик алоҳида солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг чегараларини белгилайди ҳамда тегишли объектлар ҳудудларида шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солиш тартиботини ўрнатади;

давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги олиб бориш тартибини ўрнатади;

умумдавлат аҳамиятга молик объектларнинг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини, шунингдек, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ишлаб чиқилишини молиялаштириш тартибини белгилайди;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида лицензиялаш тартибини ўрнатади;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг давлат экспертизасини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини ўрнатади;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқарув органларининг ташкилий тузилмасини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

19-модда. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради, шунингдек, уй-жой фонди ҳамда жамоат ва ишлаб чиқариш объектлари сақланишини таъминлайди;

аҳолини оқилона жойлаштириш, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалаларини ҳал қилади;

маҳаллий аҳамиятга молик объектларни қуришга доир шаҳарсозлик ҳужжатларининг ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи вазифаларини бажаради, бундай объектларнинг молиялаштирилишини таъминлайди;

объектлар қурилиши тўғрисида қарорлар қабул қилади;

ўз ҳудудида шаҳарсозлик фаолиятини, башарти бу фаолият ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келмаса, чеклайди, тўхтатиб қўяди ёки тақиқлайди;

шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг бош режалари ишлаб чиқишини ташкил этади;

қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини, аҳоли пунктлари ҳудудининг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини (бундан буён матнда батафсил режалаштириш лойиҳаси деб юритилади) ва даҳаларни, мавзеларни ҳамда аҳоли пунктлари режалаштирилган тузилмаларининг бошқа қисмларини қуриш лойиҳаларининг (бундан буён матнда қуриш лойиҳаси деб юритилади) тасдиқлайди;

вилоятлар ҳудудини режалаштиришнинг тарҳлари, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг, шунингдек, обдонлаштиришнинг тарҳлари ва лойиҳалари ишлаб чиқарилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этади;

туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларини тасдиқлайди;

маҳаллий аҳамиятга молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари чегараларини белгилайди ҳамда тегишли объектлар ҳудудларида шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солиш тартиботини ўрнатади;

қурилиш қоидаларини тасдиқлайди;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги илмий-тадқиқотлар ишлаб чиқилиши ва молиялаштирилишини, давлат шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги олиб борилишини, комплекс муҳандислик қидирувлари ўтказилишини, аҳоли пунктларини микросейсмик ҳудудларга бўлиш хариталари тузишни, шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши устидан мониторинг олиб борилишини ва бундай ҳужжатлар экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб боради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

20-модда. Туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти органлари:

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради, шунингдек, уй-жой фонди, жамоат ҳамда ишлаб чиқариш объектлари сақланишини таъминлайди;

аҳолини оқилона жойлаштириш, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалаларини ҳал этади;

маҳаллий аҳамиятга молик объектларнинг қурилишига доир шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи вазифаларини бажаради ҳамда бундай объектларнинг молиялаштирилишини таъминлайди;

ўз ҳудудида шаҳарсозлик фаолиятини, башарти бу фаолият мазкур Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келмаса, чеклайди, тўхтатиб қўяди ёки тақиқлайди;

ўзбошимчалик билан қурилган объектлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бузиб ташланишини ташкил этади;

туманларни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини, батафсил режалаштириш лойиҳаларини, қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади ҳамда уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

объектлар қурилиши тўғрисида қарорлар қабул қилади;

бинолар, иншоотлар ҳамда аҳоли пунктлари бошқа объектларининг техник ҳолати инвентаризациядан ўтказилишини ташкил қилади;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан мунтазам хабардор қилиб боради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ушбу модда саккизинчи хатбошисидаги қоидалар шаҳар таркибига туманларнинг давлат ҳокимияти органларига нисбатан татбиқ этилмайди.

21-модда. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳи ишлаб чиқилишини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар (вилоятлар гуруҳлари) ҳудудини режалаштириш тарҳлари ва умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, шунингдек шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

тасдиқланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига берилган шаҳарларнинг бош режаларини истисно қилганда, шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг бош режаларини ҳамда Тошкент шаҳрининг марказий қисмларини, вилоятларнинг маъмурий марказларини, шунингдек маданий мерос объектларига эга бўлган шаҳарларни батафсил режалаштириш лойиҳаларини тасдиқлайди;

умумдавлат аҳамиятига молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари учун чегаралар белгилаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш масалалари юзасидан услубий ҳужжатлар, шунингдек шаҳарсозлик тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширади;

белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, қурилиш ишлари, бинокорлик материаллари ва буюмлари сифати ҳамда технологияларининг давлат стандартларига, шунингдек шаҳарсозлик тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказди;

қурилишда стандартлаштириш ва бинокорлик материаллари ҳамда буюмларини сертификатлаш ишларини амалга оширади;

давлат шаҳарсозлик кадастри юритилишини ва шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги олиб борилишини амалга оширади;

шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши устидан мониторинг олиб борилиши тартибини белгилайди;

шаҳарсозлик фаолияти айрим турларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензиялар беради;

аҳолини шаҳарсозлик фаолиятидан мунтазам хабардор қилиб боради;

шаҳарсозлик ҳужжатлари масалалари бўйича буюртмачилар, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқади;

шаҳарсозлик фаолияти объектларини рўйхатга олади ҳамда объектлар қурилишига рухсатнома беради;

буюртмачининг техник назоратни амалга оширишга доир ишини текширади ва техник назорат сифатсиз амалга оширилган тақдирда, унга нисбатан жавобгарлик чоралари қўллаш ҳақида белгиланган тартибда таклифлар киритади;

давлат стандартлари ва техник шартлар бузилганлиги аниқланган тақдирда, бинокорлик материаллари ҳамда буюмлари ишлаб чиқарилиши, реализация қилиниши ва қўлланилишини, норматив талаблар ҳамда тасдиқланган лойиҳа ечимлари чидамлилиқ, пухталиқ хусусиятлари пасайишига сабаб бўлган даражада бузилганда, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг авария хавфи бўлган, объектлар ўзбошимчалиқ билан қурилган тақдирда қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришни тўхтатиб туради;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарималар солади;

туғалланган қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимида қуйидагилар киради:

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари;

туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари);

давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари;

давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари.

Вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига, туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаларига (бўлимларига) тегишли бош архитекторлар бошчилик қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармапари, шунингдек туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари) ўз ваколатларига тааллуқли масалаларда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига бўйсундилар";

22-модда. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг ваколатлари

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари; вилоят, Тошкент шаҳар ҳудудини режалаштириш тархлари ҳамда туманларни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳалари, аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва ўз ҳудудларига оид бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқирилишини ташкил этади;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради;

вилоят, Тошкент шаҳарҳудудни ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

вилоят, Тошкент шаҳар ҳудудини ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш чора-тадбирларини кўради;

вилоят, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларига шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан таклифлар киритади;

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг лойиҳалари тасдиқланишига розилик беради;

тегишли ҳудуддаги шаҳарсозлик фаолияти объектлари бўйича лойиҳалаштириш ишларини ва комплекс муҳандислик қидирувларини ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқарувчиларининг муаллифлик назоратини мувофиқлаштириб боради;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишилган ҳолда қуриш қоидаларини ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

23-модда. Туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаларининг (бўлимларининг) ваколатлари

Туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари):

аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш юзасида таклифлар киритади;

аҳоли пунктларининг бош режаларини, батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш чораларини кўради;

тегишли ҳудудда шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

24-модда ЎЗРнинг 07.07.2006 йил ЎРҚ-39-сон Қонунини 1-моддасини 2.бандига асосан таҳрирда бекор қилинди.

25-модда ЎЗРнинг 07.07.2006 йил ЎРҚ-39-сон Қонунини 1-моддасини 2.бандига асосан таҳрирда бекор қилинди.

IV Боб. Шаҳарсозлик ҳужжатлари, давлат шаҳарсозлик кадастри

26-модда. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби

Шаҳарсозлик ҳужжатлари қуйидагилардан иборат бўлади:

1) Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ҳамда қисмларини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳи;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг икки ва ундан ортиқ минтақа ҳудудини ўз ичига олган қисмларини ва бош ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш тарҳлари (бундан буён матнда шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришнинг бириктирма тарҳлари деб юритилади):

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини режалаштириш тарҳи;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантириш тармоқ тарҳлари;

2) Ўзбекистон Республикаси минтақалари ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатлар:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тарҳлари;

туманни (туманлар, гуруҳларнинг) режалаштириш лойиҳаси;

3) аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатлар:

аҳоли пунктларининг бош режалари;

шаҳар ва посёлка чизиғи лойиҳалари;

аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳлари;

4) аҳоли пунктлари ҳудудини қуриш тўғрисидаги ҳужжатлар:

батафсил режалаштириш лойиҳаси;

қуриш лойиҳаси;

5) бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шаҳарсозлик ҳужжатларининг бошқа турлари ҳам белгиланиши мумкин.

27-модда. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш

Шаҳарсозлик ҳужжатлари шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар томонидан шартномага асосан ҳамда буюртмачи берган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмаси билан келишилган топшириқ асосида ишлаб чиқилади.

Шаҳарсозлик ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилади ҳамда тасдиқланади. Ушбу Кодекс 26-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3, 4-бандларида кўрсатилган шаҳарсозлик ҳужжатларининг тасдиқланган бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмасига топширилиши лозим.

Тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар ҳужжатларни тасдиқлаган органнинг қарорига кўра киритилади.

28-модда. Давлат шаҳарсозлик кадастри

Давлат шаҳарсозлик кадастрида қуйидагилар қамраб олинади:

топография-гиодезия ва картография материаллари;

ҳудудларнинг экологик, муҳандислик-экологик, сейсмик, гидрогеологик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмалар объектлари, шунингдек, ҳудудларни ободонлаштириш тўғрисидаги маълумотлар;

ҳудудларни ва аҳоли пунктларини ривожлантириш шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш ҳамда уларни қуриш тўғрисидаги маълумотлар;

ҳудудларнинг зоналаштирилиши ҳамда ҳудудий зоналарнинг шаҳарсозлик регламентлари тўғрисидаги маълумотлар;

уй-жой фондининг техник ҳолати маълумотлар;

шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги маълумотлари.

V Боб. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришнинг шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштирилиши

29-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳи

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳи:

аҳолини жойлаштириш тизимларини табиатдан фойдаланишни ва ишлаб чиқариш кучларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ижтимоий-иқтисодий

тараккий эттириш истиқболларига мувофиқ ривожлантиришнинг асосий қоидаларини;

минтақаларда экологик вазиятни яхшилаш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, маданий мерос объектлари ҳудудларини сақлаш, умумдавлат аҳамиятга молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирлари;

аҳолини ривожлантириш тизимларини ривожлантириш учун қулай ҳудудларни;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни;

сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини;

реакцион ҳудудларни;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган ҳудудларни;

экстремал табиий-иқлим шароитларига эга бўлган ҳудудларни;

табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг таъсирига учраган ҳудудларни;

фойдали қазилмалар жойлашган ҳудудларни;

конун ҳужжатларига мувофиқ, шаҳарсозлик жиҳатидан фойдаланишнинг бошқа турлари белгиланадиган ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланишда чеклашлар ва жорий этадиган ҳудудларни;

ҳудудни ривожлантиришга доир бошқа ечимларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш бош тарҳини ишлаб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

30-модда. Шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришнинг бириктирма тарҳлари

Шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришнинг бириктирма тарҳлари:

ҳудуднинг зоналаштирилишини;

аҳолини жойлаштириш минтақавий тизимларини ривожлантириш чора-тадбирларини;

минтақалараро ва минтақавий аҳамиятга молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирларини;

табиатдан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини;

ҳудудни комплекс ривожлантириш мақсадида ресурслар билан таъминлашни;

ҳудудни ривожлантиришга доир бошқа ечимларни белгилайди.

Шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштиришнинг бириктирма тарҳларини ишлаб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

31-модда. Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тарҳлари

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тарҳлари:

худуднинг зоналаштирилишини;

аҳолини жойлаштириш тизимларини такомиллаштиришнинг, аҳоли пунктларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;

саноати, қишлоқ хўжалигини, минтақавий ҳамда аҳоли пунктлариаро аҳамиятга молик-муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;

аҳоли пунктлари ва шаҳарларнинг шаҳар атрофи зоналари чегараларини;

шаҳарсозлик воситалари орқали Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар таъсиридан муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни яхшилаш, маданий мерос объектлари худудларини сақлаш чора-тадбирларини;

тегишли худудни ривожлантириш бўйича бошқа ечимларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тарҳларини ишлаб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

32-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларида:

энергия, газ таъминоти, алоқани, ирригацияни, сув таъминотини ва канализация тармоқларини ривожлантириш бўйича;

ҳаво, темир йўл, автомобиль, дарё транспорти, қувур орқали етказиб бериш транспорти ва бошқа транспорт турларини ривожлантириш бўйича;

худудни хавфли геологик ва гидрогеологик жараёнлардан ҳимоя этиш бўйича;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича;

Иқтисодиёт тармоқлари ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича;

худудни ривожлантиришнинг бошқа масалалари бўйича асосий кўрсаткичлар ҳамда режалаштириш белгилари белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларини ишлаб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

33-модда. Туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаси

Туманни (туманлар гуруҳларни) режалаштириш лойиҳалари:

туманни (туманлар гуруҳларни) ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш хусусиятларини, табиий-иқлим шароитларини ҳамда аҳоли сони истиқболини инобатга олган ҳолда ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;

худуднинг зоналаштирилишини ва режали тузилишини;

туман (туманлар гуруҳлари) ҳудудини табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар таъсиридан муҳофаза қилиш чора тадбирларини;
аҳоли пунктлариаро аҳамиятга молик муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишларини;
аҳоли пунктларини ривожлантириш учун белгиланган захира ҳудудни;
якка тартибда уй-жой қуриш, боғдорчилик-узумчилик ёки полизчилик ширкатларини жойлаштириш учун белгиланган ҳудудни;
аҳоли дам оладиган жойларни ташкил этиш учун белгиланган ҳудудни;
аҳоли пунктлари ва шаҳарларнинг шаҳар атрофи зоналари чегараларини;
туман (туманлар гуруҳлари) ҳудудини ривожлантириш бўйича бошқа ечимларни белгилайди.

34-модда. Аҳоли пунктининг бош режаси

Аҳоли пунктининг бош режаси:

аҳоли пункти ҳудудини ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш хусусиятларини, табиий-иқлим шароитларини ҳамда аҳоли сони истиқболини инобатга олган ҳолда ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;

ҳудуднинг зоналаштирилишини ва қуриш навбатини;

аҳоли пункти ҳудудини ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар таъсиридан муҳофаза қилиш, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирларини;

аҳоли пунктининг қурилган ва қурилмаган ҳудуди нисбатини;

аҳоли пунктини ривожлантириш учун белгиланган захира ҳудудини;

аҳоли пунктининг чегараларини;

аҳоли пунктини ривожлантириш бўйича бошқа ечимларни белгилайди.

Шаҳарнинг бош режаси ва шаҳар атрофи зонасини режалаштириш лойиҳаси чегарадош ҳудудларнинг давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги келишув асосида ягона сифатида ишлаб чиқилиши мумкин.

Аҳоли сони йигирма минг кишигача бўлган кичик шаҳарларнинг ва йирик қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаси батафсил режалаштириш лойиҳаси билан бирга ягона ҳужжат сифатида ишлаб чиқилиши мумкин.

Ҳудудда маданий мерос объектлари бўлган аҳоли пунктининг бош режаси ишлаб чиқилаётганда мазкур аҳоли пунктининг тарихий архитектура режаси ва маданий мерос объектларининг муҳофаза зоналари инобатга олинади.

Бош режалар, хусусан:

қонун ҳужжатларига биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат доирасида киритилган шаҳарларнинг бош режалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдимномаси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари тақдимномаси асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан;

қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари тегишли туманлар ҳокимликларининг тақдимномаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоятларнинг ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

Аҳоли пункти бош режасининг асосий қоидалари бу режа тасдиқлангунга қадар манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан белгиланган тартибда келишилган бўлиши лозим.

Аҳоли пунктининг янги бош режаси ишлаб чиқиладиган даврда аҳоли пункти ҳудудида жорий қурилиш учун ер ажратишга тааллуқли масалалар режани ишлаб чиқувчи билан белгиланган тартибда келишилган бўлиши керак.

Объектларнинг аҳоли пунктлари ҳудудида бош режа ва бошқа зарур шаҳарсозлик ҳужжатларисиз лойиҳалаштирилиши ва қурилиши тақиқланади.

35-модда. Шаҳар ва посёлка чизиғи лойиҳалари

Шаҳар ва посёлка чизиғи лойиҳалари ҳудудларни режалаштириш тарҳлари, туманни (туманлар, гуруҳларини) режалаштириш лойиҳалари ҳамда аҳоли пунктларининг бош режалари асосида ишлаб чиқилади.

Аҳолиси йигирма минг кишигача бўлган кичик шаҳар аҳоли пунктларининг шаҳар чизиғи лойиҳалари, шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктларининг посёлка чизиғи лойиҳалари мазкур аҳоли пунктларининг бош режаси таркибида ишлаб чиқилиши мумкин.

Шаҳарларнинг шаҳар чизиғи лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Шаҳар посёлкаларининг шаҳар чизиғи лойиҳалари вилоятларнинг давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг посёлка чизиғи лойиҳалари туманларнинг давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

36-модда. Аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳлари

Аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳларида:
энергия, газ таъминоти, алоқани, ирригацияни, сув таъминотини ва канализация тармоқларини ривожлантириш бўйича;
транспорт турларини ривожлантириш бўйича;
иқтисодиёт тармоқлари объектларини жойлаштириш бўйича;
ҳудудни хавфли геологик ва гидрогеологик жараёнлардан ҳимоя этиш бўйича;
аҳолининг фуқаро муҳофазаси бўйича;
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича;
маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича;
ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича;
ҳудудни ривожлантиришнинг бошқа масалалари бўйича асосий курсаткичлар ҳамда режалаштириш ечимлари белгиланади.

Аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тархларини ишлаб чиқиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

37-модда. Батафсил режалаштириш лойиҳалари

Батафсил режалаштириш лойиҳалари аҳоли пунктининг бош режаси асосида аҳоли пунктлари ҳудудининг қисмлари учун ишлаб чиқилади ва бу лойиҳалар; қизил чизикларни;

ер участкаларини қуриш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чизикларини;

ердан фойдаланиш чегараларини;

ҳудуднинг зоналаштирилишини ва қуриш навбатини;

муҳофаза зоналаридан фойдаланиш режимини;

кўчалар, тор кўчалар, йўловчиларга ажратилган зоналарнинг, шунингдек, транспорт, алоқа иншоотлари ва коммуникацияларининг, муҳандислик ускуналари ва ҳудудни ободонлаштириш кўрсаткичларини;

ижтимоий ва маданий-маиший объектларнинг таркиби ва жойлашуви;

қуришнинг ҳажмий-ҳудудий ва архитектура-режали ечимини, қуриш зичлиги ва кўрсаткичларини, бинолар ва иншоотларнинг неча қаватлилиги ҳамда турларини белгилайди.

Батафсил режалаштириш лойиҳаси қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

38-модда. Қуриш лойиҳалари

Қуриш лойиҳалари батафсил режалаштиришнинг тасдиқланган лойиҳаси асосида, белгиланган қизил чизиклар ёки ер участкалари чегараларида ишлаб чиқилади.

Қурилиш лойиҳалари:

қуришни тартибга солиш чизикларини;

бинолар ва иншоотларнинг жойлашуви, неча қаватлилиги, тури ҳамда бошқа тавсифларини;

қуришнинг архитектура ечимини;

муҳандислик ускуналари, алоқа ва ободонлаштириш тизимларини, шунингдек, мазкур тизимларни аҳоли пунктларининг ер участкалари, мавзелари, даҳалари ва режалаштирилган тузилмасининг бошқа қисмлари доирасидан ташқарида бўлган муҳандислик ускуналари, алоқа ҳамда ободонлаштириш тизимлари иншоотлари ва коммуникацияларига улаш шартларини;

транспорт воситалари ва пиёдалар харакати қандай ташкил этилишини;

умум фойдаланишдаги ҳудудларни белгилайди.

Туманларнинг, шаҳарларнинг давлат ҳокимияти органлари қуриш лойиҳаларига маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига зид бўлмаган қўшимча талаблар, шу жумладан, маданий мерос объектларининг муҳофаза зоналарида лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларини олиб

боришга, ҳудудларни кўкаламзорлаштиришга, кичик шаклдаги архитектура объектларини, реклама, пешлавҳалар ва бошқа ахборотни жойлаштиришга доир талаблар киритишга ҳақли.

39-модда. Лойиҳа-смета ҳужжатлари

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳажмий-режали, амалий ва техникавий ечимларни, биналар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкцияси, ҳамда капитал таъмирланиши, шунингдек ободонлаштириш ишлари қийматини белгилайди.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари шаҳарсозлик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмалари, санитария эпидемиология хизматлари ёнғинга қарши назорат хизматлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа хизматлар билан келишиб олинади.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишлаб чиқиш, молиялаштириш, тасдиқлаш ва улардан фойдаланиш тартиби белгиланган, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш буюртмачининг ташаббуси билан ва унинг ҳисобидан тартибда амалга оширилади.

Белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари объектлар қурилиши учун рухсатнома беришга асос бўлади.

VI Боб. Аҳоли пунктлари ва шаҳар атрофи зоналари ҳудудларидан фойдаланиш

40-модда. Қуриш қоидалари

Қуриш қоидалари тегишли ҳудудларда ва аҳоли пунктларида шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Қуриш қоидалари ҳудудни ривожлантириш тарҳи, туманни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳалари, аҳоли пунктининг бош режаси ҳамда ҳар бир ҳудуднинг шаҳарсозлик регламентлари асосида ишлаб чиқилади.

Қуриш қоидалари кучга киргунга қадар белгиланган тартибда берилган объектлар қурилишига оид рухсатномалар мазкур рухсатномаларда кўрсатилган муддат мобайнида амал қилади, аҳоли хавфсизлиги талаблари таъминланмаётган ҳоллар бундан мустасно.

41-модда. Ҳудудларнинг зоналаштирилиши

Ҳудудларнинг зоналаштирилиши яшаш ва фаолият кўрсатиш учун қулай муҳитни таъминлашга, ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар таъсиридан муҳофаза қилишга, аҳоли ва ишлаб чиқариш ҳаддан ташқари зич жойлашиши, атроф муҳит ифлосланиши олдини олишга, алоҳида

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни, шу жумладан, табиий ландшафтларни, шунингдек, маданий мерос объектларини, қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмонзорларни муҳофаза қилишга ва улардан фойдаланишга қаратилгандир.

Қуйидаги зоналарда ҳудудлардан шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланишда чеклашлар белгиланади:

маданий мерос объектларининг муҳофаза зоналари, кўриқхона зоналарида;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар зоналарида;

санитария зоналарида;

муҳофаза зоналарида;

санитария-муҳофаза зоналарида;

сувни муҳофаза қилиш ва соҳил бўйи минтақаси зоналарида;

сув таъминоти манбаларини санитария йўли билан муҳофазалаш зоналарида;

фойдали қазилмалар жойлашган зоналарда;

табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг таъсирига учраган зоналарда;

фавқулодда экологик ҳолатлар ва экологик офат зоналарида;

табиий-иқлим ширийти экстремал зоналарда.

Ҳудудлардан шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланишда қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклашлар бошқа зоналарда ҳам белгиланиши мумкин.

Ҳудудларнинг функционал мақсади ва улардан фойдаланиш жадаллиги ҳудудлардан фойдаланишдаги чеклашлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

42-модда. Аҳоли пунктларининг ҳудудий зоналари

Аҳоли пунктларининг ҳудудларида қуйидаги ҳудудий зоналар белгиланиши мумкин:

турар жой зоналари;

ижтимоий-амалий зоналар;

ишлаб чиқариш зоналари;

муҳандислик ва транспортга оид инфратузилмалар зоналари;

реакцион зоналар;

қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган зоналар;

маҳсус мақсадларга мўлжалланган зоналар;

ҳарбий объектлар ва режимли бошқа ҳудудлар зоналари;

шаҳар атрофи зоналари.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий шароитларга мувофиқ, бошқа ҳудудий зоналар белгиланиши, шунингдек, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини инобатга олган ҳолда ер участкалари ва бошқа объектларни киритиши мумкин.

Аҳоли пунктлари ҳудудий зоналарининг чегаралари қизил чизиқларни, табиий объектларнинг табиий чегараларини, ер участкаларининг чегаралари ва бошқа чегараларни инобатга олган ҳолда белгиланади.

Ҳар бир ҳудудий зона учун шаҳарсозлик регламенти билан белгиланган ҳуқуқий режим унда жойлашган барча ер участкалари, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларга нисбатан бил хил қўлланилади.

Чегараларида шаҳарсозлик фаолияти алоҳида тартибга солиниши лозим бўлган ҳудудий зоналарда айрим бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг лойиҳалаштирилиши ва қурилишга нисбатан қўшимча талаблар белгиланиши мумкин.

43-модда. Турар жой зоналари

Турар жой зоналари кўп қаватли уйлар, ўртача ва кам қаватли уйлар, якка тартибдаги уйлар қуриш учун мўлжалланган бўлади.

Турар жой зоналарида санитария-муҳофаза зоналари белгилаш талаб этилмайдиган ҳамда фаолияти атроф-муҳитга зарарли таъсир (шовқин, тебраниш, магнит майдонлари, радиация тасири, тупроқ ҳаво, сувнинг ифлосланиши ва бошқа зарарли таъсирлар) этмайдиган, алоҳида турган, бирликда қурилган, бирликда-қўшимча қилиб қурилган ёки қўшимча қилиб қурилган ижтимоий ва маданий-маиший объектларнинг, ибодатхоналарнинг, автомобиль транспорти қўйиладиган махсус жойларнинг, саноат, коммунал ва омборхона объектларининг жойлаштирилишига йўл қўйилади.

Турар жой зоналари жумласига аҳоли пунктлари чегаралари доирасида жойлашган боғдорчилик-узумчилик ва полизчилик ширкатларининг ҳудудлари ҳам киради.

44-модда. Ижтимоий-амалий зоналар

Ижтимоий-амалий зоналар амалий, молиявий, ижтимоий фаоллик марказлари, соғлиқни сақлаш, маданият, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим муассасалари, маъмурий, илмий-тадқиқот муассасалари, ибодатхоналар ва бошқа бино ҳамда иншоотлар, шунингдек, автомобиль транспорти қўйиладиган махсус жойлар жойлаштирилишига мўлжалланган бўлади.

Ижтимоий-амалий зоналарга жойлаштириш рухсат этиладиган объектлар рўйхатига уйлар, меҳмонхоналар, ер ости ёки кўп қаватли гаражлар киритилиши мумкин.

45-модда. Ишлаб чиқариш зоналари

Ишлаб чиқариш зоналарида уларнинг иш олиб боришини таъминлайдиган саноат, коммунал, омборхона объектлари, муҳандислик ва транспортга оид инфратузилмалар объектлари жойлаштирилади, шунингдек, бундай объектларнинг санитария-муҳофаза зоналари барпо этилади.

Саноат, коммунал ва омборхона объектларининг санитария-муҳофаза зонасида уйлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, дам олиш объектлари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари, боғдорчилик-узумчилик ва

полизчилик ширкатлари жойлаштирилишига, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилишига йўл қўйилмайди.

Ишлаб чиқариш зоналарининг ҳудудларини ободонлаштириш шу зоналарда жойлашган объектларнинг мулкдорлари томонидан амалга оширилади.

46-модда. Муҳандислик ва транспортга оид инфратузилмалар зоналари

Муҳандислик ва транспортга оид инфратузилмалар зоналари ҳаво, темир йўл, автомобиль, дарё транспорти ва қувур орқали етказиб бериш транспорти, алоқа иншоотлари ҳамда коммуникациялари ва муҳандислик ускуналари жойлаштирилиши ҳамда ишлаб туриши учун мўлжалланган бўлади.

Яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳитга транспорт, алоқа иншоотлари ва коммуникациялари ҳамда муҳандислик ускуналари зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш бундай объектлардан турар жой, ижтимоий-амалий ва рекреацион зоналар ҳудудигача зарур оралиқ масофа бўлиши ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, шунингдек, қурилишнинг махсус нормалари ва қоидаларига мувофиқ, бошқа талабларга риоя этилиши орқали таъминланади.

Транспорт, алоқа иншоотлари ва коммуникациялари, муҳандислик ускуналари ер участкалари чегараларидаги ҳудудлар ва уларнинг санитария-муҳофаза зоналари мазкур ер участкаларининг мулкдорлари томонидан ободонлаштирилиши лозим.

Фойдаланилиши фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига тўғридан тўғри зарарли таъсир кўрсатадиган транспорт, алоқа иншоотлари ва коммуникациялари ҳамда муҳандислик ускуналарини аҳоли пунктлари доирасида жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

47-модда. Рекреацион зоналар

Рекреацион зоналар аҳолининг дам олиш жойларини ташкил этиш учун мўлжалланган бўлиб, уларга шаҳар дарахтзорлари, ўрмон-боғлар, пляжлар, соҳил бўйича объектлари ва бошқа объектлар киради. Рекреацион зоналарга алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва табиий объектлар киритилиши мумкин.

Рекреацион зоналар ҳудудларида рекреацион ва соғломлаштириш аҳамиятига молик объектлардан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган саноат, коммунал ва омборхона объектлари қурилишига ҳамда мавжуд шундай объектларнинг кенгайтирилишига йўл қўйилмайди.

48-модда. Қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган зоналар

Шаҳар ва посёлка чизиғи доирасида хайдаладиган ерлар, боғлар, токзорлар, полиззорлар, пичанзорлар, яйловлар ва бошқа ер майдонлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бинолар ва иншоотлар эгаллаб турган қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган зоналар ажратилади. Мазкур зоналарнинг ҳудудларидан фойдаланиш тури бош режа ва қуриш қоидаларига

мувофиқ ўзгартирилгунга қадар бу ҳудудлардан қишлоқ хўжалиги юритиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

49-модда. Махсус мақсадларга мўлжалланган зоналар

Фойдаланилиши аҳоли пунктлари ҳудудий зоналарининг бошқа турларидан фойдаланишга тўғри келмайдиган қабристонларни, ўлаксалар кўмиладиган жойларни, маиший-рўзғор чиқиндилари ташланадиган ахлатхоналар ва бошқа объектларни жойлаштириш учун махсус мақсадларга мўлжалланган зоналар ажратилади.

Махсус мақсадларга ажратилган зоналарнинг ҳудудларидан фойдаланиш тартиби шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг, шунингдек, махсус нормативларнинг талаблари инобатга олинган ҳолда қуриш қоидалари билан белгиланади.

50-модда. Харбий объектлар ва режимли бошқа ҳудудлар зоналари

Харбий объектлар ва режимли бошқа ҳудудлар зоналари алоҳида режим жорий этиладиган объектларни жойлаштириш учун мўлжалланган ҳудудлардир. Мазкур зоналарнинг ҳудудларидан шаҳар ва посёлка чизиғи доирасида фойдаланиш тартиби, қуриш қоидаларига мувофиқ, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг, шунингдек, махсус нормативларнинг инобатга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

51-модда. Шаҳар атрофи зоналари

Шаҳар атрофи зонаси шаҳар чегарасидан ташқаридаги, шаҳар билан ягона ижтимоий, табиий, хўжалик ҳудудни ташкил этувчи ҳамда мазкур шаҳар ҳудудини, унинг шаҳар атрофи зонасига кирувчи аҳоли пунктлари ҳудудларини, аҳоли пунктлариаро ҳудудларни (шаҳарни ривожлантириш учун мўлжалланган заҳира ҳудудни) ривожлантириш учун ҳамда саноат, коммунал ва омборхона объектларини, муҳандислик, транспортга оид инфратузилмалар объектларини, жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги участкаларини, аҳоли дам олиш жойларини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги юритиш ҳамда муҳофаза ва санитария-гигиена вазифаларини бажариш учун мўлжалланган ерлардан иборат бўлади.

Шаҳар атрофи зоналари чегараларини белгилаш шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари асосида ушбу Кодекс ҳамда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

52-модда. Шаҳар атрофи зонаси ҳудудидан фойдаланиш

Шаҳар атрофи зонаси ҳудудидан фойдаланиш ҳамда унинг чегараларидаги шаҳарсозлик фаолияти шу шаҳар атрофи зонасига кирувчи аҳоли пунктлари,

аҳоли пунктлариаро ҳудудлар аҳолисининг манфаатларини, шунингдек, шаҳар-созлик фаолияти бошқа субъектларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Шаҳар атрофи зоналари ҳудудларининг зоналаштирилиши Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш тарҳларида, туман (туман гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларида, шунингдек, шаҳарларнинг шаҳар атрофи зоналари билан биргаликда ишлаб чиқиладиган бош режаларида белгиланади.

Шаҳар атрофи зоналарида санитария ва реакцион вазифаларни бажарадиган кўкаламзор зоналар ажратилади. Кўкаламзор зоналар атроф-муҳитга зарарли таъсир этадиган хўжалик ва бошқа хил фаолият олиб бориш тақиқланади.

Шаҳарни шаҳар атрофи зонаси чегараларида ривожлантириш учун ҳудудлар доирасида бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкцияси ва кенгайтирилиши шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

53-модда. Аҳоли пунктларида ер участкаларидан фойдаланишга доир шаҳарсозлик талаблари

Ер участкаларидан фойдаланишга доир шаҳарсозлик талаблари аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари, қуриш лойиҳалари ва қоидалари билан белгиланади.

Туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари ер участкалари берилаётганда буюртмачиларга ер участкаларидан фойдаланишга доир шаҳарсозлик талаблари тўғрисидаги қуйидагилардан иборат бўлган ахборот тақдим этадилар.

ер участкаларидан фойдаланишдан кўзланган мақсад;

ер участкаларининг жойлашган манзили;

ер участкаларининг лойиҳа бўйича чегаралари;

ер участкаларининг муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмалар объектлари билан таъминланганлиги.

Юридик ва жисмоний шахсларга қуриш учун ер участкалари берилганда (реализация қилинганда) туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари томонидан объектларнинг қурилиш муддатларига риоя этиш ҳамда қуриш мўлжалланган жойга тугаш умумий фойдаланишдаги ҳудудни ободонлаштириш талаблари белгиланади.

Янги қурилиш шу иш олиб борилаётган мазкур туман аҳолисининг тегишли хизматлар билан таъминланиши шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида назарда тутилган нормалардан пасайишига олиб келадиган бўлса, юридик ва жисмоний шахсларга ер участкалари муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларнинг қўшимча объектларини қуришда улушбай иштирок этиш (якка тартибдаги уйларни қурувчилар бундан мустасно) шарти билан берилиши мумкин.

Ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган талаблар ер участкасига бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтган тақдирда сақланиб қолади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатларда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

худудий зонанинг қуриш қоидаларида белгиланган коди;

ер участкаси жойлашган худудий зонанинг функционал мақсади;

ер участкаси ёки унинг қисми маданий мерос объектларининг, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг муҳофаза зоналари, сувни муҳофаза қилиш зоналари чегараларида, шунингдек, табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг таъсирига учраган худудлар ва аҳоли пунктларининг ҳамда фойдаланилишига қонун ҳужжатларида чеклашлар белгиланувчи бошқа худудларнинг чегараларида жойлашганлиги;

ер участкаси чегараларида муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмалар объектларининг мавжудлиги, мазкур объектлар кўрсаткичлари ва улардан фойдаланишдаги чеклашларни ҳам кўрсатган ҳолда;

ер участкаси чегараларида ер участкаси мулкдорига, эгасига ёки бу участкадан фойдаланувчига тегишли бўлмаган бинолар ва иншоотларнинг мавжудлиги, мазкур ер участкасида кўрсатиб ўтилган объектлар жойлашгани муносабати билан ундан фойдаланишдаги чеклашларни ҳам кўрсатган ҳолда. Ер участкалари бўлиб берилганида ёки уларнинг чегаралари ва кўрсаткичлари ўзгарганида қизил чизиқларга, қуришни тартибга солиш чизиқларига ва шаҳарсозлик регламентларининг энг кичик ўлчамдаги ер участкаларига доир талабларига риоя этилади.

Бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар бўлинган тақдирда уларнинг қисмлари мустақил объект сифатида иш олиб бориши учун шароитлар таъминланиши керак.

54-модда. Объектлар қурилишига рухсатнома

Объектлар қурилишига рухсатнома - ер участкаси мулкдори, эгаси ёки бу участкадан фойдаланувчининг ер участкасида қуришни амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Объектлар қурилишига рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Давлат Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, унинг давлат архитектура- қурилиш назорати худудий инспекциялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда берилади.

Объектлар қурилишига рухсатнома буюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Объектлар қурилишига рухсатнома мавжудлиги ҳақидаги ахборотни буюртмачи барча юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг талабларига биноан тақдим этади. Буюртмачи қурилиш бошланадиган муддат тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг тегишли таркибий бўлинмасига ахборот тақдим этиши шарт.

Якка тартибдаги уй қурилиши уйнинг пойдевори, ертўласи, қаватлари, кесим ва олд томонларининг режалари, шунингдек, ер участкаси режасидан иборат бўлган соддалаштирилган лойиҳа бўйича амалга оширилиши мумкин.

Бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганда уларнинг қурилишига доир рухсатноманинг кучи сақланиб қолади ва бу рухсатнома белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

55-модда. Махсус рухсатномалар

Қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат сирлари билан боғлиқ объектлар, шунингдек, алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари қурилишига махсус рухсатномалар берилади.

56-модда. Шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда участкаларига доир сервитут ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сақлаш вазифаси

Шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда сервитут бинолар ва иншоотлар мулкдорларининг манфаатлари қуйидаги ишларни бажаришда ўзга ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқисиз таъминланиши мумкин бўлмаган тақдирда белгиланади:

бинолар ва иншоотларнинг қурилиши, реконструкцияси ва таъминланиши; муҳандислик инфратузилмаси объектларининг қурилиши, реконструкцияси, таъмирланиши ва улардан фойдаланилиши;

ҳудудларни сув тошиш ва сув босишдан ҳимоялаш ишлари ўтказилиши;

ўзга ер участкаси орқали пиёда ёки транспортга ўтиш;

бинолар ва иншоотлар мулкдорларининг ўзга эҳтиёжларини таъминлаш.

Шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сақлаш вазифаси ер участкалари мулкдорлари, эгалари ва бундай участкалардан фойдаланувчилар мажбуриятларини ва уларнинг ҳуқуқлари чекланишини қамраб олади ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари ва қуриш қоидалари асосида белгиланади.

Ер участкаларига доир сервитутнинг ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сақлаш вазифасининг жорий этилиши ҳамда бекор қилиниши тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

VII Боб. Яқунловчи қоидалар

57-модда. Шаҳарсозлик фаолиятининг молиявий таъминоти

Шаҳарсозлик фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари, буюртмачиларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий

инфратузилмаларни ривожлантиришда улушбай иштирок этиши ҳисобидан амалга оширилади.

Шаҳарсозлик фаолиятини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш:

ушбу Кодекс 26-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3, 4-бандларида назарда тутилган шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда;

шаҳарсозлик фаолиятининг илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқишда;

фавқулодда экологик ҳолатлар ва экологик фалокат зоналарини, тарихий манзилгоҳларни, умумдавлат аҳамиятга молик муҳандислик, транспортга оид ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг белгиланган мақсадли умумдавлат дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда, шунингдек, давлат шаҳарсозлик кадастрини юритишда амалга оширилади.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган манбалардан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасарруфига давлат корхоналарини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан ҳам амалга оширилади.

Агар ҳудудни шаҳарсозлик жиҳатдан ўзлаштириш давлат манфаатлари, минтақалараро манфаатлар ёки аҳоли пунктлари гуруҳлари манфаатларига дахл этадиган бўлса, шаҳарсозликнинг ўзга фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларидан фойдаланилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳар йилги қурилишларнинг манзили кўрсатилган рўйхатларини тузишда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишини, комплекс муҳандислик қидирувлари ўтказилишини, аҳоли пунктларини микросейсмик ҳудудларга бўлиш хариталари, табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий комплекс тарҳлари тузишни, жорий қуриш устидан муаллифлик назорати ҳамда аҳоли пунктлари бош режалари амалга оширилиши мониторинги шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар томонидан ўтказилишини, шаҳарсозлик ҳужжатлари келишиб олиниши ва экспертизадан ўтказилишини маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштиришни назарда тутишлари керак.

58-модда. Низоларни ҳал этиш

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

59-модда. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ
24.12.1998 й.
№ 717-І

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР
ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонунга Қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган ЎзР 26.05.2000 й. 82-ІІ-сон Қонуни, ЎзР 15.12.2000 й. 175-ІІ-сон Қонуни, ЎзР 30.04.2004 й. 621-ІІ-сон Қонуни, ЎзР 03.12.2004 й. 714-ІІ-сон Қонуни, ЎзР 23.03.2006 й. ЎРҚ-26-сон Қонуни

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган муассасалар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Прокурор назорати тартибда амалга ошириладиган давлат назорати тегишли қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

назорат қилувчи органлар - хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар;

текшириш - хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши;

текширишларни қайд этиш дафтари" - ўтказилган текширишлар

тўғрисидаги ахборот ёзиб қўйиладиган махсус дафтар";

молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) - солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш;

муқобил текшириш - операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув;

назорат тартибида текшириш - хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

4-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш шакллари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш;

статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таълил еилиш;
идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил еилиш орқали давлат томонидан назорат қилиш, шунингдек идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

5-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;
юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

6-модда. Текширувчи мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилишлари лозим.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи

субъектлар фаолиятини текширишига белгиланган намунадаги махсус гувоҳнома ва ушбу Қонуннинг 9 ва 12-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлгани тақдирда йўл қўйилади.

Текширувга аудиторлик ташкилотлари ва (ёки) экспертлар жалб этилгани тақдирда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан назорат қилувчи орган ва аудиторлик ташкилоти ва (ёки) эксперт ўртасидаги шартноманинг кўчирма нусхаси албатта тақдим этилади. Шартномада аудитор ва (ёки) экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва лавозими кўрсатилган бўлиши керак. Аудитор ва (ёки) эксперт хулосасининг тўғрилиги ва унинг Қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун аудиторлик ташкилоти ва (ёки) экспертнинг жавобгарлиги тузиладиган шартноманинг зарурий шарти ҳисобланади. Аудиторлик текширувлари ва экспертизаларни ўтказиш харажатлари назорат қилувчи органлар ҳисобига амалга оширилади.

7-модда. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади ва у чиқарган қарорларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга доир қисми назорат қилувчи органлар учун мажбурий ҳисобланади.

8-модда. Махсус ваколатли органнинг асосий вазифалари

Махсус ваколатли органнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг, шу жумладан комплекс текширувлар ҳамда тафтишларнинг назорат қилувчи органлар бир-бирининг ишини такрорлашига йўл қўймайдиган мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чиқиш;

назорат қилувчи органларнинг текширувлар ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режаларига риоя қилишини назорат қилиш ҳамда режадан ташқари текширувлар махсус ваколатли орган билан келишмай ўтказилишига йўл қўймаслик.

Махсус ваколатли органни тузиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

9-модда. Текширишларни ўтказиш учун асос

Назорат қилувчи органлар томонидан юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали текшириш, шу жумладан молия-хўжалик фаолиятини текширишлар учун, ушбу модданинг иккинчи ёқисмида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, қуйидагилар асос бўлади:

махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан

берилган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режасидан кўчирма;

назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарган буйруғи ёхуд махсус ваколатли органнинг режадан ташқари текшириш, шу жумладан тафтиш ўтказиш тўғрисидаги ҳамда текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахслар таркиби ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилган қарорлари.

Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш учун қўзғатилган жиноий иш мавжудлиги асос бўлади. Бунда текширувга хўжалик юритувчи субъектнинг фаёат еўзјатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олиниши мумкин бўлиб, бу ҳақда текширувни тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан, мазкур органлар текширишлар давомида солиқ ва валютага оид жиноятлар аломатларини аниқлаганида эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади.

10-модда. Текширишлар даврийлиги

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар махсус ваколатли органнинг ёарорига биноан режали тартибда кўпи билан йилига бир марта амалга оширилиши мумкин, хусусий корхоналар ва ушбу Қонуннинг 10-1-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Белгиланган нормалар ва ёоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя этувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар нazorat қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади, ушбу Қонуннинг 10-1-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхоналар фаолиятини текширишлар нazorat қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10-1-модда. Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар даврийлиги

Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер

хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилиши мумкин эмас.

11-модда. Текширувлар муддатлари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддатлари ўттиз календар кунидан ошмаслиги лозим. Алоҳида доллар да махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

12-модда. Режадан ташқари текширув

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режадан ташқари текшириш учун махсус ваколатли органнинг текширилаётган объект номини, текширув ўтказиш мақсади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослилиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли мансабдор шахслар таркиби ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи асос бўлиб хизмат қилади.

Режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

агар текширувни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қароридан келиб чиққанда;

назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда;

фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда;

санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

13-модда. Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш солиқ органлари ҳамда бошқа назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг ваколатлари доирасида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14-модда. Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш

Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш тегишли назорат қилувчи (ёнғинга қарши, санитария, ветеринария, энергетика назорати ва бошқа) органлар томонидан, қоида тариқасида, бир марта ўтказиладиган комплекс текширув давомида амалга оширилади.

Комплекс текширувлар махсус ваколатли орган тасдиқлаган режалар асосида ўтказилади.

14-1-модда. Муқобил текширишлар

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текширишлар жиноят ишлари юзасидан тергов олиб бориш жараёнида текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарор асосида ёхуд назорат қилувчи органлар томонидан махсус ваколатли органнинг қарорига биноан амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текширишлар хўжалик юритувчи субъектларга бормасдан туриб амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текширишларга уларнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатлари юзасидангина йўл қўйилади, улардан муқобил текшириш предметига тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ҳужжатларини ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш тақиқланади.

15-модда. Назорат тартибида текшириш

Назорат тартибида текшириш назорат қилувчи органлар томонидан махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

16-модда. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги ҳуқуқларга эга: ўз фаолиятлари текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш; назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиш;

текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик;

назорат еилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларининг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларни бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаганидан сўнг ўн кун муддат ичида текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхасини олиш;

қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш объектларига киритишга, текширувчиларга ўз

вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишга мажбурдирлар.

**17-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш
чоғида назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг
ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлардан текшириш ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш;

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга аниеланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар мулкдорлари олдига айбдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

текширувга аудиторлик ташкилотларини ва (ёки) экспертларни белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда молиявий ёки маъмурий жазо чораларини қўллаш;

режали текширишларни ўтказиш муддатини кўчириш тўғрисида, башарти бунга объектив асослар бўлса, махсус ваколатли органга тақдимнома киритиш.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг қонуний талаблари текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажариш учун мажбурийдир.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш;

хўжалик юритувчи субъектлар ишлашига халал бермаслик;

текширишларни сайд этиш дафтарига Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёзиб;

давлат сири, тижорат ёки бошқа сирлар саеланишини таъминлаш;

текширув натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдириш;

ҳуқуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш.

**18-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар
фаолиятига аралашмасликни кафолатлаш**

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.

Агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўришлари мумкин. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик ҳолати мавжудлигидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа қонуний фаолиятига аралашши ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмас.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ноқонуний қарорлари ёки бошқа ҳаракатлари натижасида хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг - Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси аъзоларининг фаолиятини текшириш унинг вакиллари иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

19-модда. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан бевосита судга ёки бўйсунуш тартибда юёри турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкин.

Шикоятни бериш назорат қилувчи орган мансабдор шахсининг ҳаракатларини тўхтатиб қўймайди. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан қилинган шикоятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

20-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. Каримов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ**

15 декабр 2000 йил 173-II-сонли

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида

ЎзРнинг 30.04.2004 йилдаги 261-II-сонли Қонунининг XXIII бўлимига, 15.12.2005 йил ЎРҚ-12-сон Қонунининг 1-моддасига асосан таҳрирга ўзгартиришлар киритилди

1-модда. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

2-модда. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тушунчаси

Юридик шахслар томонидан аҳоли пунктларини, бинолар ва иншоотларни режалаш ва қуриш бош режаларининг, лойиҳаларининг бузилиши, давлат стандартлари, қурилиш нормалари ва қоидалари, техник шартларига, лойиҳалаш ва қурилиш, шунингдек бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларига бинолар, иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг чидамлилиги, мустаҳкамлиги, пухталиги, ишлаб чиқарилаётган бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларининг чидамлилик параметрлари пасайиши ва йўқотилишига сабаб бўлган тарзда риоя этилмаслиги, шунингдек объектларни қуриш ва уларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган тартибини бузадиган хатти-ҳаракат қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

3-модда. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи, бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқарувчи, қурилишда буюртмачи ҳисобланувчи ёки бир йўла буюртмачи ва пудратчи вазифаларини бажарувчи юридик шахсларга қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий тартибда жарима солинади.

Юридик шахснинг жавобгарликка тортилиши уни ўзи йўл қўйган қоидабузарликларни бартараф этиш ва зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятдан, шунингдек айбдор мансабдор шахсларни интизомий, маъмурий, фуқаровий-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка тортишдан озод этмайди.

4-модда. Режалаш ва қуришнинг бош режаларини, лойиҳаларини бузиш

Аҳоли пунктларини режалаш ва қуришнинг бош режаларини, лойиҳаларини, тарихий иморатлар жойлашган даҳаларни қайта қуриш режаларини, турар жон даҳалари, кичик даҳалар ва шаҳарларнинг саноат зоналари, қишлоқ аҳоли пунктларини қуриш ва ободонлаштириш сифатини, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг меъморчилик ечимларини бузиш - энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

5-модда. Қўриқлиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларини бузиш

Лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш чоғида қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг талабларини бузиш:

агар бу ҳол бинолар, иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг чидамлилиқ ёки мустаҳкамлик параметрлари йўқотилишига сабаб бўлса, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда;

агар бу ҳол бинолар, иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг чидамлилиқ ёки мустаҳкамлик параметрлари пасайишига сабаб бўлса, энг кам иш ҳақининг қирқ бараваридан саксон бараваригача миқдорда;

агар бу ҳол бинолар, иморатлар, иншоотларнинг, уларнинг қисмлари ёки конструкция айрим элементларининг пухталиги пасайишига сабаб бўлса, энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

6-модда. Бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқаришда давлат стандартлари, қурилиш нормалари ва қоидалари, техник шартларининг талабларини бузиш.

Бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқаришда давлат стандартлари, қурилиш нормалари ва қоидалари, техник шартларининг талабларини бузиш - реализация қилинган маҳсулот қийматининг эллик фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

7-модда. Объектларни қуриш ва уларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган тартибини бузиш.

Объектларни давлат экспертизаси томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари, жумладан иш ҳужжатлари хусусида берилган ижобий хулосасиз, шунингдек давлат архитектура-қурилиш назорати органлари рўйхатидан ўтказмасдан ва

уларнинг рухсатномасиз қуриш - энг кам иш ҳақининг етмиш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Қурилишда мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, лекин сертификатланмаган материаллар, буюмлар ва конструкцияларни қўллаш - энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш қоидаларини бузиш - энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат архитектура-қурилиш назорати органларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик - энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

8-модда. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи мансабдор шахслар

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва жарима солиш ҳуқуқига:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура қурилиш қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарлари;

архитектура ва қурилиш ҳудудий бош башқармаларининг бошлиқлари ҳамда давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари эгадирлар.

9-модда. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш

Қурилиш соҳасида йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсдан жарима ундириш учун ушбу Қонуннинг 8-моддасида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарори асос бўлади.

Юридик шахс жаримани жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай тўлаши керак.

10-модда. Жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш

Юридик шахс ўзига нисбатан чиқарилган жарима солиш тўғрисидаги қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки судга қонун ҳужжатларига мувофиқ шикоят қилиши мумкин. Бунда жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг амал қилиши шикоятни кўриб чиқиш муддатига тўхтатиб турилади.

11-модда. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда давлат архитектура-қурилиш назорати органлари мансабдор шахсларининг юридик шахслар зарар кўришига сабаб бўлган ғайриқонуний

хатти-ҳаракатлари устидан юридик шахслар судга белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И.Каримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1996 йил 8 август ПФ-1503-сонли

Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.09.1997 йил ПФ-1867-сон Фармонининг 1.бандига асосан таҳрирга ўзгартиришлар киритилди.

Мулкчилик шаклларида қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз аралашига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Хўжалик юритувчи субъектлар - юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш этишга доир барча ишларни мувофиқлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси (шахсан Давлат солиқ қўмитасининг Раиси В. С. Беганов) зиммасига юклансин.

2. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши иловага мувофиқ таркибга тузилсин.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

мулкчилик шаклларида қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини қонунчилик нормаларида белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ амалга ошириладиган текширишларнинг ҳаммаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишилган ҳолдагина ўтказилади.

Республика кенгаши билан келишилмаган ҳолда текширишларни амалга оширувчи марказдаги ва жойлардаги назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

4. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши:

режа асосида ўтказиладиган текширишларнинг йиллик, ярим йиллик ҳамда бир чоракка мўлжалланган жадвалларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

комплекс текширишларни ўтказиш амалиётига жорий этилсин, бунда бир корхонадаги текшириш бўйича ваколатли ташкилотлар томонидан амалга оширилади, шунингдек ҳисобига ўтказиладиган текширишлар сони ва масалаларни такрорлаш кескин камайтирилсин.

5. Хўжалик юритувчи субъектларни текширадиган идоравий тафтиш хизматларининг мавжудлиги мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, идоралари (Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги бундан мустасно), концернлар, корпорациялар, уюшмалар мавжуд тафтиш хизматларини тугатсинлар ва ўз таркибларидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таҳлил этишнинг аудиторлик шакллари қўлласинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги мазкур банднинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин, 1997 йил бюджетда бошқарув идораларининг лавозимлари рўйхатидаги тегишли ўзгаришларни назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида текширишларни тартибга солиш тўғрисида" 1993 йил 10 декабрдаги 696-сон Фармони, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 8 ноябрдаги 574-сон Фармойишининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. Каримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1998 йил 19 ноябрь ПФ-2114-сонли

Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни
тартибга солиш тўғрисида

03.08.2000 йил ПФ-2678-сонли Фармонига асосан ўзгартиришлар (рус тилидаги хужжатнинг матнида берилган)

19.06.2001 йил ПФ-2886-сонли Фармонининг иловасини 3.бандига

28.11.2005 йил ПФ-3694-сон Фармонининг иловасига асосан асосан таҳрирга ўзгартиришлар киритилди.

Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда параллелчилик ва такрорлаш фактларини бартараф этиш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асоссиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб:

1. Қўйидагилар белгилаб қўйилсин:

мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига доир барча текширувларни, молия-хўжалик фаолиятини текширишни истисно этган ҳолда, ўтказиш, қоида тарикасида, бир йўла комплекс текширишлар ўтказилишини назарда тутиб, фақат Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига биноан режа асосидаги тартибда назорат органлари томонидан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилади;

мазкур субъектларнинг фаолиятини муқобил текшириш жиноий ишлар бўйича тергов давомида текширувни белгилаш тўғрисидаги қарор асосида ёки фақат Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарори билангина назорат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текшириш хўжалик юритувчи субъектларга бормасдан амалга оширилади ва фақат уларнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатлари доирасидагина йўл қўйилади;

белгиланган норма ва қоидаларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда риоя этадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш, молия-хўжалик фаолиятини текширишни истисно этган ҳолда, назорат органлари томонидан ҳар икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади;

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан фақат қўзғатилган жиноий иш бўйича тергов тартибида текширилади. Бунда мазкур субъектларнинг фақат қўзғатилган жиноий иш билан боғлиқ бўлган фаолияти

текширилиши мумкин, бу ҳақда текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилиши лозим;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳар қандай текширишларини ўтказиш чоғида назорат органларининг мансабдор шахслари текширишларни рўйхатга олиш китобига қонунчиликда белгиланган тартибда ёзиб қўядилар.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари зиммасига республика ҳамда маҳаллий бюджетларнинг, шунингдек қўшма бюджетда ҳисобга олинган бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан молияланадиган муассасаларнинг молия-хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда текшириш вазифаси юклансин. Зарур ҳолларда ана шу текширишларни амалга ошириш учун солиқ ва бошқа назорат органлари жалб қилиниши мумкин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

назорат органлари томонидан молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва ҳар қандай текширишни ўтказиш муддати 30 календар кунидан ошиб кетиши мумкин эмас. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ узайтирилиши мумкин;

аудиторлик текширишларини ўтказиш бўйича сарф-харажатлар ана шу текширишларни тайинлаган ташкилотлар ҳисобидан қопланади.

4. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат тариқасида текшириш ва муқобил текширишларни ўтказиш борасида белгиланган тартибга риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик солиқ ва молия органларининг, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги органларининг, шунингдек давлат назоратини амалга оширишга вакил қилинган бошқа органларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг янгиланган таркиби ва у ҳақдаги Низом 1 ва 2 иловаларга (Иловалар рус тилидаги ҳужжатнинг матнида берилган) мувофиқ тасдиқлансин.

6. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши бир ой муддатда вакил қилинган вазирликлар ва идоралар томонидан ҳудудлар бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш борасида 1999 йилги мувофиқлаштирувчи режалар ишлаб чиқилишини таъминласин, бунда комплекс текширишларни кенг жорий этиш асосида уларни ўтказиш даврийлиги ва муддатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқларни ва мажбурий тўловларни тўлашдан ашаддий бўйин товлаш фактларининг ҳар бири бўйича чора кўриш учун йилнинг ҳар чорагида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига ўз таклифларини тақдим қилсин.

7. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан Давлат назоратини амалга оширишга вакил қилинган вазирликлар ва идоралар:

икки ҳафта муддатда молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахсларнинг рўйхатини тасдиқласинлар;

молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахслар белгиланган тартибда аттестациядан ва қайта аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган қонундан татбиқ этсинлар. Бир ой муддатда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга, шу жумладан назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказишга қўйиладиган мансабдор шахслар учун махсус гувоҳномалар жорий қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишга вакил қилинган вазирликлар ва идоралар томонидан текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги қонунлар, фармонлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари қандай ижро этилаётганлигини назорат қилишни таъминласин, назорат органлари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари хусусида Республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг тақдимномаларини, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиб, қонунда кўзда тутилган чораларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва такомиллаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузишда айбдор бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги белгиланишини кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ва ноҳукумат ташкилотлари билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг ҳуқуқий маданиятини юқори кўтариш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсинлар, назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини бузиш сабабларини мунтазам таҳлил этиб, уларни тугатиш чораларини кўрсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, "Ўзтелерадио", оммавий ахборот воситалари хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ишларини ўтказиш қоидаларини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенг тушунтириб берсинлар, шунингдек назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини бузиш фактларини ёритиб борсинлар.

11. 1998 йил 8 июндаги ПФ-2008-сон Фармоннинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И.Каримов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

2000 йил 29 декабр 509-сонли

Қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасида объектларни қуриш ва реконструкция қилишни ташкил этишни тартибга солиш, мулкчилик шаклларида қатъий назар, қурилиш субъектлари томонидан капитал қурилиш соҳасидаги амалдаги норматив ва қонун ҳужжатларига риоя этилишини самарали назорат қилишга эришиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги Низом Иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўз норматив ҳужжатларини ушбу Қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Исаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ў.Султонов

Вазирлар Маҳкамасининг
2000 йил 29 декабрдаги
509-сон Қарорига
Илова

Қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом "Бошдавархитектқурилишназорат" бошқармаси органларида қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларига рухсатномалар бериш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомни амал қилиши яқка тартибдаги уй-жой қурилиши объектларига жорий этилмайди.

2. Идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларида қатъий назар, янги қурилаётган, реконструкция қилинаётган (кенгайтирилаётган), техника билан қайта жиҳозланаётган ва замонавийлаштирилаётган мавжуд ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш йўналишларидаги объектлар "Бошдавархитектқурилишназорат" бошқармаси (кейинги ўринларда рўйхатдан ўтказувчи орган деб аталади) органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

3. "Бошдавархитектқурилишназорат" бошқармаси томонидан қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш қуйидаги қурилиш объектлари бўйича амалга оширилади:

республиканинг бир нечта минтақалари ҳудудларини қамраб оладиган муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмалари объектлари;

республиканинг турли минтақаларида амалга оширилаётган, буюртмачилари Тошкент шаҳрида жойлашган объектлар;

эксперимент тариқасида амалга оширилаётган ва капитал қурилишида ташкилий-техник жиҳатдан янгилик бўлган объектлар.

Қолган барча қурилиш объектлари бўйича рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан амалга оширилади.

II. Рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар

4. Қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш учун буюртмачилар томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидагилар тақдим этилади:

а) белгиланган шаклдаги ариза (1-Илова);

б) давлат экспертиза органларининг ишчи лойиҳа бўйича ижобий йиғма эксперт хулосаси ёки объект қурилиши лойиҳалаш билан айна бир вақтда олиб борилган тақдирда - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори;

в) экология экспертизасининг ижобий хулосаси - ишлаб чиқариш шароитлари зарарли бўлган объектлар бўйича;

г) қурилиш-монтаж ишларининг айрим лицензияланадиган турларини амалга ошириш учун пудрат ташкилоти лицензияси нусхаси;

д) архитектура органлари билан келишиб олинган объектнинг бош режаси ва фасадлари нусхаси ёки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси Шаҳарсозлик кенгашининг тегишли протоколи;

е) қурилиш объектининг аниқ рўйхати.

III. Қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш тартиби

5. Рўйхатдан ўтказувчи орган техник иқтисодий асослашлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган объектлар бўйича кўпи билан 10 кун

муддатда ва қолган объектлар бўйича 5 кун муддатда буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади, шулар асосида қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

6. Қуйидаги ҳолларда қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш рад этилиши мумкин:

ҳужжатлар ва материалларнинг белгиланган рўйхати тўла ҳажмда тақдим этилмаганда;

ҳужжатлар зарур даражада расмийлаштирилмасдан тақдим этилганда;

тақдим этилган ҳужжатларда ишончли бўлмаган ёки чеклаш маълумотлар мавжуд бўлганда;

тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар кўриб чиқиладиганда уларни беришда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари меъёрлари бузилганлиги аниқланганда.

Рад этиш асосланган ва ёзма ҳолда бўлиши керак.

Қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсатнома беришнинг рад этилганлиги устидан юқори органларга ёхуд судга шикоят қилиниши мумкин.

7. Буюртмачи такроран муружаат қилган тақдирда қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор тегишли ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб кўпи билан беш кун муддатда қабул қилинади.

8. Ҳужжатларни кўриб чиқиш якунларига кўра рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан 2 нусхада объектни рўйхатдан ўтказиш варақчаси расмийлаштирилади (2-Илова) ва объектлар қурилишини рўйхатдан ўтказиш журналига тегишли ёзув ёзиб қўйилади. Рўйхатдан ўтказилган қурилиш объекти учун инвентар ҳужжатлар йиғма жилди юритилади.

Журнални ва инвентар ҳужжатлар йиғма жилдини юритиш ва сақлаш тартиби Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси томонидан белгиланади.

9. Архитектура-қурилиш назорати инспекциялари томонидан буюртмачига қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун рухсатнома 3-Иловага мувофиқ шакл бўйича қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш варақчаси асосида берилади.

10. Буюртмачилар рухсатнома олганларидан сўнг бир ой давомида рўйхатдан ўтказган органга объектда қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилганлиги тўғрисида хабар қилишлари шарт. Мазкур қоида бажарилмаган тақдирда рўйхатдан ўтказган орган қурилиш монтаж ишларини тўхтатишга ёхуд уларни бошлаб юбориш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ҳақлидир.

11. Объект қурилиши лойиҳалаш билан айрим бир вақтда олиб бориладиган қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 305-сон Қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширилади.

12. Рўйхатдан ўтказилган қурилиш объекти ҳар йили аниқлаб борилиши керак (календарь йилда уни қурилишлар рўйхатига киритиш ёки чиқариб ташлаш учун).

Бунинг учун буюртмачи рўйхатдан ўтказган органга қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш варақчалари маълумотларини аниқлаш бўйича хабарларни ва жорий давр учун аниқ рўйхатни тақдим этади.

IV. Яқунловчи қоидалар

13. Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси инспекторлари қурилиш қатнашчилари томонидан амалдаги нормативлар талабларига риоя қилинишини таъминлаш учун қурилиш (монтаж)нинг боришини унинг барча босқичларида белгиланган тартибда назорат текширувини ўтказадилар. Аниқланган бузилишлар фактлари бўйича тегишли далолатномалар тузилади ёки ёзма кўрсатмалар берилади, ишларни амалга ошириш журналларига ёзиб қўйилади, зарур бўлган ҳолларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган санкциялар қўлланилади.

14. Рухсатномалар беришга асос бўлган шарт-шароитлар ўзгарган ҳолларда (ишларни юритувчи, объектда техник ва муаллифлик назоратини амалга оширувчи шахслар алмашганда, лицензиянинг амалда бўлиш муддати тугаганда, лойиҳавий ечимларда жиддий ўзгаришлар ва бошқалар бўлганда) буюртмачи рўйхатдан ўтказувчи органга тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларни 10 кун мобайнида тақдим этиши керак.

15. Мазкур Низомни бузганлик учун айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш тартибига 1-Илова

(Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри)

"Бошдавархитектқурилишназорат" инспекциясига
(Буюртмачи)

_____дан

(юқори ташкилоти кўрсатилган ҳолда буюртмачининг номи)

АРИЗА

_____ер участкасидаги

_____ни

(қуриш объектининг номи)

_____рўйхатдан ўтказишининг ва

_____ой муддатга қурилиш ҳамда монтаж ишларини
бажаришга рухсат беришингизни сўрайман.

(лавозими, Ф.И.О., раҳбар, буюртмачи)

М.Ў. 20__ йил, "___" _____

Аризанинг инспекция томонидан рўйхатга ўтказиш тартиб рақами ва санаси _____

Қурилиш объектларини
рўйхатдан ўтказиш тартибига
2-Илова

Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси
"Бошархитектқурилишназорат"

бошқармаси _____ вилояти
(Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри)

"Бошархитектқурилишназорат" инспекцияси _____-сон

РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

I бўлим Қурилиш объекти бўйича асосий маълумотлар		Статистик кодлари	
1.	Қурилиш объектининг номи ва жойлашган ўрни	МҲОБТ (кадастр)	
2.	Соҳа	ХХТУТ	
3.	Инвестор	КТУТ МШТ	
4.	Буюртмачи	КТУТ МШТ	
5.	Ишлаб чиқарувчилар		
5.1	ТИА		
5.2	ЛСҲ ва/ёки ТҲ (Ф.И.О ЛБИ, шартнома ва муаллиф назоратининг рақами ва санаси)		
6.	Бош пудратчи	КТУТ	
7.	Маблағ билан таъминлаш ман- балари	МШТ	
8.	Қурилишнинг меъёрий давомий-		

ЛИГИ: ____ йил ____ ой ва ____ йил ____ ой		
--	--	--

II. бўлим
Қурилиш объектининг лойиҳа ҳужжатлари бўйича
асосий кўрсаткичлари

Қуввати _____
(ХХТУТ коди бўйича тегишли ўлчов бирлигида)

Умумий смета қиймати: 1991 й. базавий нархларда ____ минг сўм. Бундан ташқари лойиҳанинг ЭАВдаги қиймати ____ минг АҚШ доллари.

Қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати : 1991 й. базавий нархларда ____ минг. сўм.

Бундан ташқари лойиҳанинг ЭАВдаги қиймати ____ минг АҚШ долларида.

Жорий календарь йилида лойиҳа қурилиши қийматини ўзлаштириш прогнози:

1991 й. базавий нархлар ____ минг сўм (шу жумладан ҚМИ ____ минг сўм) ва рўйхатдан ўтказиш санасида амалдаги нархларда ____ млн. сўм (шу жумладан ҚМИ ____ млн. сўм).

III. Бўлим
Қурилиш объекти лойиҳасини шакллантириш ва уни амалга
ошириш бўйича асосий маълумотлар

1. Инвестиция лойиҳаси _____

(қарор қабул қилган инстанциянинг номи, тартиб рақами ва санаси) қарорига мувофиқ амалга оширилади.

2. Объект қурилиши _____

(ер участкаси ажратилган органнинг номи, қарор тартиб рақами ва санаси)

қарори билан _____ ҳуқуқида ажратилган майдони _____ га Ер участкасида амалга оширилади.

Ер участкаси _____ ажратилган.

(далолатнома тартиб рақами ва санаси)

3. АҚББ Шаҳарсозлик кенгаши протоколи _____
(номи, тартиб рақами ва санаси)

4. ТИА тасдиқланган _____
(ТИА тасдиқлаган инстанциянинг номи, қарор тартиб рақами ва санаси)

5. ЛСХ ёки ТХ экспертизадан ўтди _____
(эксперт органининг номи, хулоса, тартиб рақами ва санаси)

ВА ТАСДИҚЛАНДИ _____
(ЛСХ ёки ТХни тасдиқлаган инстанция қарорининг тартиб рақами ва санаси)

6. Қурилиш тури _____
(Янги реконструкция қилиши)

7. Қурилиш усули _____
(пудрат ёки хўжалик усули)

8. Пудрат ташкилоти:

тендер комиссиясининг ____ йил" ____ " _____ даги, _____ сон қарорига кўра
пудрат савдосида танлаб олинди, контракт қиймати амалдаги нархларда
_____ млн. сўм;

тўғридан тўғри музокаралар йўли билан танлаб олинди, контракт қиймати
амалдаги нархларда _____ млн. сўм;

9. Румсат берилди:

параллел

лойиҳалаштиришга _____
(Вазирлар Маҳкамаси қарорининг тартиб рақами ва санаси)

лойиҳани тендерсиз амалга оширишга _____
(инстанциянинг номи, тартиб рақами ва санаси)

10. Буюртмачининг техник назоратчиси: _____
(Ф.И.О., телефон рақами, буйруқ тартиб рақами ва санаси)

11. Муаллифлик назорати: _____
(Ф.И.О., телефон рақами, буйруқ тартиб рақами ва санаси)

12. Ишни бажарувчи: _____
(Ф.И.О., буйруқ тартиб рақами ва санаси)

Буюртмачининг

раҳбари _____
(имзо, Ф.И.О., санаси, муҳр)

Объект 20 ____ йил, " ____ " _____ да рўйхатдан ўтказилди.

Инспекция

раҳбари _____

IV. бўлим

Қурилиш объектини қайта рўйхатга олиш тўғрисида белги

1. Қурилиш объекти 20__ йил, " __ " _____ да қуйидаги ўзгартиришлар билан аниқлик киритилди: _____

Буюртмачининг раҳбари _____
(имзо, Ф.И.О., сана, муҳр)

Инспекция раҳбари _____
(имзо, Ф.И.О., сана, муҳр)

2. Қурилиш объектига 20__ йил, " __ " _____ да қуйидаги ўзгартиришлар билан аниқлик киритилди: _____

Буюртмачининг раҳбари _____
(имзо, Ф.И.О., сана, муҳр)

Инспекция раҳбари _____
(имзо, Ф.И.О., сана, муҳр)

3. Қурилиш объектига 20__ йил, " __ " _____ да қуйидаги ўзгартиришлар билан аниқлик киритилди: _____

Буюртмачининг раҳбари _____
(имзо, Ф.И.О., сана, муҳр)

Инспекция раҳбари _____
(имзо, Ф.И.О., сана, муҳр)

Қурилиш объектларини
рўйхатдан ўтказиш тартибига
3-Илова

Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси
"Бошдавархитектқурилишназорат" бошқармаси

_____ ВИЛОЯТИ
(Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри)

Қурилиш-монтаж ишларини бажаришга
_____ -сон РУХСАТНОМА

_____ га
(банк реквизитларини кўрсатган ҳолда

ташкilot номи)

_____ ишларини,

(қурилиш-монтаж ишларининг турлари ва

объект номи кўрсатилади)

шунингдек бош режада бўлган _____

манзилда жойлашган _____

_____ объектлар

қурилишини бажаришга рухсат берилди.

_____ лойиха

_____ ҳужжатларининг

(лойиха ташкилоти ва уни тасдиқлаган

_____ томонидан

_____ ишлаб

чиқилган органнинг банк реквизитлари кўрсатилган ҳолдаги номи)

Техник назорат _____

_____ га топширилди

(ташкilot номи, лавозими, Ф.И.О.)

Муаллифлик назорати _____

_____ га топширилди

(ташкilot номи, лавозими, Ф.И.О.)

Бош пудратчи ташкilot томонидан ишларни бажариш

_____ га

(ташкilot номи, банк реквизитлари)

_____ топширилди

Ишларнинг _____

_____ асосий

_____ босқичлари _____

(тамом бўлгандан кейин

_____ "Бошдавархитектқурилиш")

_____ бошқармаси хабардор қилинадиган иш босқичлари кўрсатилади)

Алоҳида

шартлар: _____

Рухсатнома берилган сана _____.

Инспекция раҳбари _____.

"Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17-сентябрдаги 404-сонли қарори билан тасдиқланган "Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг ижроси бўйича.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

17 сентябр 2003 йил 404-сонли

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик
шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги
Низомни тасдиқлаш ҳақида

ЎЗР ВМнинг 18.06.2006 йил 90-сон қарорининг иловасига асосан таҳрирга ўзгартиришлар киритилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси юридик шахслар томонидан қурилиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларига, тасдиқланган норматив ҳужжатларга, стандартларга, қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, "Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига ҳамда ушбу Низомга қатъий амал қилсинлар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг "Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартибини тасдиқлаш

хақида" 2001 йил 2 мартдаги 106-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 14-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н.Тўлаганов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси

И. Каримов

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 17 сентябрдаги
404-сон қарорига
илова

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга
солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

ЎЗР ВМнинг 18.06.2006 йил 90-сон қарорининг иловасини 2.бандига асосан таҳрирга ўзгартиришлар киритилди

1. Мазкур Низом "Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ юридик шахсларга солинадиган жарималарни қўллаш тартибини белгилайди.

2. Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва улар учун юридик шахсларга жарималар солиш мазкур Низомда назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Қуйидагилар қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари - энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда, шунингдек "Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-бандида назарда тутилган ҳолларда;

худудий архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошлиқлари ва худудий архитектура-қурилиш назорати инспекциялари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда, "Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса -энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваригача миқдорда жарималар солиш ҳуқуқига эга;

4. Жарималар юридик шахслар томонидан жарима солиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда тўланади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор уни қабул қилган орган (мансабдор шахс) томонидан бажартирилади.

5. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни тезлик билан бажариш мумкин бўлмаган ҳолатлар мавжуд бўлганда уни қабул қилган мансабдор шахс, бу ҳақда тегишли юридик шахсни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, қарорнинг бажарилишини бир ойгача муддатга узайтириши мумкин.

6. Жарима солиш тўғрисидаги қарор юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилинганда ёки норози бўлинганда қарор шикоят ёки норозилик қониқарсиз қолдирилгандан сўнг бажарилиши керак. Бундай ҳолларда жарима шикоят ва норозилик қониқарсиз қолдирилганлиги тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда тўланиши керак.

7. Жарима юридик шахслар томонидан тегишли суммаларни ўтказиш йўли билан тўланади, улар қуйидаги тартибда тақсимланади:

жарима суммаларининг 60 фоизи республика бюджетига;

30 фоизи - маҳаллий бюджетга;

10 фоиз - "Давархитектқурилиш" қўмитаси ва унга идоравий мансуб ҳудудий давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияларининг моддий-техника базасини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига йўналтирилади.

8. Жарима муддатида тўланмаган тақдирда қарор суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини бажариш учун белгиланган тартибда мажбурий бажартирилади.

ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17-сентябрдаги 404-сонли қарори билан тасдиқланган "Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга солинадиган жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги Низом"га мувофиқ қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва улар учун юридик шахсларга жарималар солиш мазкур Низомда назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қуйидаги мансабдор шахслар қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарималар солиш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари - энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда, шунингдек "Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-бандида назарда тутилган ҳолларда;

худудий архитектура ва қурилиш бош бошқармалари бошлиқлари ва худудий архитектура-қурилиш назорати инспекциялари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда, "Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса - энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваригача миқдорда жарималар солиш ҳуқуқига эга;

Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексига мувофиқ бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш қонун ҳужжати билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада: шу баённома тузилган сана ва жой, баённомани тузган шахсининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий ҳужжат ва унинг бузилган моддаси; ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни хал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса - баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади.

Баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган, Вазирлар Маҳкамасининг 404—қарорида қайд қилинган мансабдор шахсга юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш вақтида тегишли орган мансабдор шахси ёки маъмурий комиссияси:

- 1) мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш кирмаслиги;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;
- 3) ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги;
- 4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги;

5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни хал этади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

Ишни кўриб чиқиш шу ишни кўрувчи органнинг мансабдор шахсини таништириш ёки маъмурий комиссия таркибини эълон қилишдан бошланади.

Ишни кўриб чиқувчи органнинг мансабдор шахси ёки маъмурий комиссия мажлисига раислик қилувчи қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради. Мажлисда ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларнинг сўзлари эшитилади, келтирилган далиллар ўрганилади ва тушган илтимослар хал этилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган мансабдор шахси ёки маъмурий комиссияси маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, шунингдек ишни тўғри хал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида тегишли орган баённома юритади. Унда:

1) мажлис бўлган сана ва жой;

2) ишни кўриб чиқувчи органнинг номи ва таркиби;

3) кўрилаётган ишнинг мазмуни;

4) ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат ва унинг бузилган моддаси;

5) ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳозир бўлган-бўлмаганлиги ҳақидаги маълумотлар;

6) ишни кўришда қатнашувчи шахсларнинг тушунтиришлари, уларнинг илтимослари ва бу илтимосларни кўриб чиқиш натижалари;

7) ишни кўриб чиқиш пайтида ўрганилган ҳужжатлар ва ашёвий далиллар;

8) қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттириш тўғрисидаги маълумотлар ва қарор устидан шикоят бериш тартиби ва муддатлари тушунтирилганлиги кўрсатилган бўлади.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг, жабрланувчининг ва ўзга манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши қандай бораётганлиги ушбу модданинг биринчи қисми талабларига мувофиқ равишда юритилувчи баённомада акс эттирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси тегишинча орган мажлисидаги раислик қилувчи ва котиб томонидан ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс томонидан имзоланади.

Орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, шу иш юзасидан қарор чиқаради.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: қарор чиқарган органнинг (мансабдор шахснинг) номи; иш кўриб чиқилган сана; иши кўриб чиқиладиган шахс хусусидаги маълумотлар; ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни; мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; иш юзасидан қабул қилинган қарор.

Қарор маъмурий комиссия мажлисида иштирок этаётган коллегиял орган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор мансабдор шахс томонидан, органнинг қарори - мажлисида раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

Жазо қўлланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённомага тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида;
- 2) ишни юритишни тугатиш тўғрисида.

Ишни юритишни тугатиш тўғрисидаги қарор оғзаки огоҳлантириш эълон қилинганда, шунингдек Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 271-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда чиқарилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор ишни кўриб чиқиш тугаши биланоқ дарҳол эълон қилинади.

Қарорнинг нусхаси уч кун ичида устидан шу қарор чиқарилган шахсга, шунингдек ўзининг илтимосига кўра жабрланувчига топширилади ёки жўнатилади.

Қарорнинг нусхаси тилхат билан берилади, башарти қарорнинг нусхаси жўнатиlsa, бу ҳақда ишга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) қабул қилинган қарор тўғрисида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган мансабдор шахснинг эътиборига етказилади.

Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда - шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 325 моддасига мувофиқ маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши мажбурийдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун солинган жарима ҳуқуқбузар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд қилинган 404 сонли қарорининг 7 бандида кўрсатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки муассасасига тўланади.

Жавобгардан жаримани ундириб олишнинг иложи бўлмаган тақдирда, уни ундириб олиш туман (шаҳар) судининг суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисида тегишли орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг мулкидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

Бундай вазият содир бўлганда, яъни, жавобгардан жаримани ундиришнинг иложи бўлмаган тақдирда, мансабдор шахс жарима солиш ҳақидаги қарорининг асл нусҳасини эркин тартибда ёзилган хат билан жавобгар жойлашган ердаги ҳудудий суд ижро органига юборади.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 27 моддаси 5 бандига мувофиқ ишларни маъмурий тартибда кўриш ваколатига эга органларнинг (мансабдор шахсларнинг) қарорлари - уч ой мобайнида жавобгар жойлашган манзилдаги (туман, шаҳар) суд ижро органига топширилиши мумкин.

Ушбу қонуннинг 30 моддасига мувофиқ Суд ижрочиси ижро ҳужжатининг ижро ҳаракатларини ва талабларини ижро ҳужжати келиб тушган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида амалга ошириши ва ижро этиши лозим.

Жарима Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро ҳужжатлари бўйича ундириб олиниши мумкин бўлмаган мол-мулкдан ундириб олиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексининг 218-моддасига мувофиқ Суд ҳужжати (ижро варақаси) топширилган банк ёки бошқа кредит муассасаси пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатини ижро этмаганлиги учун унга хўжалик суди ундирилиши керак бўлган сумманинг эллик фоизигача миқдорда жарима солади. Суд ҳужжати (ижро варақасида) кўрсатилган ҳаракатларни бажариш зиммасига юклатилган шахс ана шу ҳаракатларни бажармаганлиги учун унга энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Жаримани тўлаш суд ҳужжатини ижро этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси билан боғлиқ бўлган масалаларни шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) ҳал этади.

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг тўғри ва ўз вақтида ижро этилишини назорат қилиш шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) зиммасига юклатилади.

Ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритади. Раҳбар тақдим келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни

киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чоралар хақида маълум қилиши шарт.

Ушбу тақдимномада кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар ҳуқуқбузар томонидан белгиланган муддат ичида бартараф этилмаган тақдирда, ҳуқуқбузарлик натижасида бинонинг босиб қолиш ёки қулаб тушиш эҳтимоли йўқ бўлса, Ўзбекистон Республикасининг “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси 4-қисмига мувофиқ Давлат архитектура-қурилиш назорати органларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаганлиги ёки ўз вақтида бажармаганлиги сабабли ҳуқуқбузарга энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда, юқорида белгиланган тартибда, жарима солинади ва ундириб олинади. Жарима тўлаш ҳуқуқбузарни далолатномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этишдан озод қилмайди.

Бордию, тақдимномада кўрсатилган ҳуқуқбузарлик қурилаётган бинонинг, иморатнинг ёки иншоотнинг, унинг қисмлари ёки конструкциясининг айрим элементларининг чидамлилиқ ёки мустаҳкамлилиқ параметрлари йўқотилишига сабаб бўлса ва бу бино босиб қолиши ёки қулаб тушиши эҳтимоли туғилса, ёхуд, ҳуқуқбузар томонидан буюртмачига катта миқдорда моддий зарар етказилганлиги хақида жиддий гумонга борилса, ва тақдимнома киритган мансабдор шахс ҳуқуқбузарлик ҳолатида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жиноий жазо белгиланган бошқа вазиятлар мавжуд деган хулосага келса, материалларни прокурорга топширади.

Прокурорга иш юзасидан тузилган далолатнома, баённома, тақдимнома ва шунга тегишли ҳамма ҳужжатларнинг асл нусхаси, ҳуқуқбузар жойлашган манзилдаги туман ёки шаҳар прокурори номига эркин услубда ёзилган хат билан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14 моддасига мувофиқ ушбу Кодекс билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.

Жиноят кодекси билан кўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Ижтимоий хавфли қилмиш қаторига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида кўрсатилган қуйидаги моддаларни киритиш мумкин:

207-модда. Мансабга совуққонлик билан қараш

Мансабга совуққонлик билан қараш, яъни мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса;

208-модда. Ҳокимият ҳаракатсизлиги

Ҳокимият ҳаракатсизлиги, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги

фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, шунингдек, бундай ҳаракатсизлик жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилган бўлса;

209-модда. Мансаб сохтакорлиги

Мансаб сохтакорлиги, яъни мансабдор шахснинг ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилашти-риши ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказили-шига сабаб бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида кўзда тутилган атамаларнинг ҳуқуқий маъносига мувофиқ:

Мансабдор шахс - ташкилий - бошқарув ёки маъмурий хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс;

Масъул мансабдор шахс - 1) ҳокимият вакиллари; 2) давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар; 3) мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколоти берилган жамоатчилик вакиллари; 4) иккинчи бандда назарда тутилган вазифаларни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар;

Кўп бўлмаган зарар - энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача бўлган зарар;

Анча миқдордаги зарар - энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар;

Кўп миқдордаги зарар - энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар;

Жуда кўп зарар - энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдордаги зарар.

Харидор ёки буюртмачиларни алдашдаги анча миқдор - энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача бўлган миқдор;

Харидор ёки буюртмачиларни алдашдаги кўп миқдор - энг кам иш ҳақининг беш баравари ва ундан ортиқ миқдор;

Хўжалик юритувчи субъект - мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

2 декабр 2003 йил 538-сонли

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

ЎзР ВМнинг 22.02.2005 йил 73-сонли қарорининг 2-иловасини
24.бандига, 08.09.2005 йил 206-сонли қарорини 1-иловасини
51.бандига, 15.11.2005 й. 251-сон қарорининг 5-иловасини
II-бўлимини 3.бандига, 06.02.2006 йил 14-сон қарорининг
6-иловасини 4.бандига, 22.05.2006 йил 92-сон қарорининг
иловасини 38.бандига асосан таҳрирга ўзгартиришлар киритилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш, капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш масалаларида унинг масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг муҳим вазифалари ҳисоблансин:

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини ўтказиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифати, шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктларини режалаштириш ва қуришда шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

капитал қурилишда ислохотларнинг боришини мувофиқлаштириш ва унинг мониторингини олиб бориш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш, шартнома муносабатларининг ролини ошириш, қурилишда нархларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш, қурилишнинг бозор инфратузилмасини янада ривожлантиришга кўмаклашиш;

капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг боришини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

танлов савдолари натижаларига кўра тузилган шартномалар мажбуриятлари бажарилишининг мониторингини олиб бориш, объектларни қуриш сифати ва муддатларини назорат қилиш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларининг чекланган умумий сони 96 нафар, шу жумладан бошқарув ходимларининг сони 85 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

худудий архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисига ходимларнинг чекланган сони доирасида раиснинг уч нафар, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари ҳамда 9 кишидан иборат ҳайъат бўлишига рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисига ходимларнинг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Қўмита марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг мазкур Қўмита таркибида:

Иқтисодиёт ва қурилишни ташкил этиш, янги технологиялар илмий-тадқиқот институш негазида Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш марказини ташкил этиш;

Пудрат савдоларини (тендерларни) ташкил этиш республика бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Давлат идорадан ташқари экспертиза бош бошқармасининг капитал қурилишда нархларни шакллантириш минтақавий марказлари негизида Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказлари ташкил этиш;

Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармасининг Стандартлаштириш ва сертификатлаш бошқармаси негизида ҳўжалик ҳисобидаги Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси бир ой муддатда Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш маркази ҳамда Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика марказининг тузилмасини ва Марказлар тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

5. Давлат экспертизаси худудий бошқармаларн, Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари, Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказларининг намунавий тузилмалари шунингдек улар тўғрисидаги намунавий низомлар 5,5а,5б,6,6а,6б-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини жорий молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари манбалар, шу жумладан Давлат экспертизаси

худудий бошқармалари, давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари ҳамда Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказлари даромадларидан 10 фоиз ажратмалар ҳисобига амалга оширилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказларини юкланган вазифаларни бажариш, шу жумладан нархларни шакллантириш масалалари бўйича керакли материаллар ва ахборотлар тақдим этиш учун зарур шарт-шароитлар билан таъминласинлар.

8-банд ЎзР ВМнинг 15.11.2005 й. 251-сон қарорининг 5-иловасини II-бўлимини 3-бандига асосан таҳрирда бекор қилинди

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 8-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н.Тўлаганов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси

И. Каримов

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 2 декабрдаги
538-сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш
қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ

ЎзР ВМнинг 22.05.2006 йил 92-сон қарорининг иловасини 38-бандига асосан таҳрирга ўзгартиришлар киритилди

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда матнда "Давархитектқурилиш" қўмитаси деб юритилади)нинг мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. "Давархитектқурилиш" кўмитаси:

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат органи ҳисобланади;

ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади;

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

3. "Давархитектқурилиш" кўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Олий Мажлис қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

4. "Давархитектқурилиш" кўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, муассасалар ва ташкилотлар, мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмалари, Мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. "Давархитектқурилиш" кўмитаси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, мустақил балансга, банкда ҳисоб рақамларига эга бўлади.

II. "Давархитектқурилиш" кўмитасининг асосий вазифалари

6. Қуйидагилар "Давархитектқурилиш" кўмитасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблари технологияларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни жойлаштириш, режалаштириш ва қуришнинг илмий асосланган схемаларини таъминлаш;

лойихалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифати, шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктларини режалаштириш ва қуришда шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ягона илмий ва техника сиёсатини амалга ошириш, тегишли ахборот базасини яратиш;

капитал қурилишда ислохотларнинг боришини мувофиқлаштириш ва унинг мониторингини олиб бориш, капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг боришини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, капитал қурилишда ислохотларни чуқурлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамаси киритиш;

капитал қурилишни янада ислох қилиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг мониторингини олиб бори, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишнинг белгиланган тартибига

риоя этилишини назорат қилиш, шартнома муносабатларининг ролини ошириш, қурилишда нархларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

лойихалаштириш ва гудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат мухитини янада шакллантиришга кўмаклашиш;

хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришда, хусусий ва кўшма корхоналар, инжиниринг, консалтинг, суғурта ташкилотлари ва бозор инфратузилмасининг бошқа ташкилотларини ташкил этишда, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда кўмаклашиш;

танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар мажбуриятлари бажарилиши мониторингани олиб бориш, объектлар қурилиши сифати ва муддатлари устидан назорат қилиш, марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилаётган объектларни қуриш сифати ва муддатларини назорат қилиш;

қурилиш ва қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкциялар ишлаб чиқариш соҳасида стандартлаштириш тартибини белгилаш ва у бўйича ишларни ташкил этиш, лойихалаштириш ва конструкциялаш ҳам шу жумлага киради;

шаҳарлар, қишлоқ аҳоли яшаш пунктлари ва қишлоқлар орасидаги ҳудудларни режалаштириш ва қуришда шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя қилиниши, маданий мерос объектлари сақлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг архитектура-режалаштирилиши ва архитектура-бадий сифатларини яхшилаш, архитектура ва шаҳарсозликда миллий ва маданий анъаналарни ривожлантириш устидан назорат қилиш.

III. "Давархитектқурилиш" кўмитасининг асосий функциялари

7. "Давархитектқурилиш" кўмитаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, бошқа қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлайди, уларга риоя этилиши ва уларнинг қўлланиши устидан мониторингни амалга оширади;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича республика мақсадди дастурлари, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг шаҳарсозлик бўлимларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳоли жойлашишининг Бош схемаси ишлаб чиқилишини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар (вилоятлар гуруҳлари) ҳудудларини режалаштириш схемалари ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлган алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари, шунингдек шаҳарсозлик фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот ишлари ишлаб чиқилиши ташкил этилишини таъминлайди;

шаҳарлар, шаҳар посёлкаларининг бош режаларини тасдиқлайди, тасдиқланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига тегишли бўлган шаҳарларнинг бош режалари бундан мустасно, ва Тошкент

шаҳрининг, вилоят марказларини ва маданий мерос объекти аҳамиятига эга бўлган шаҳарларнинг марказий қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумдавлат аҳамиятига эга бўлган алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари учун чегараларни белгилаш тўғрисида таклифлар киритади;

давлат шаҳарсозлик кадастри, шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги юритилишини амалга оширади, шаҳарсозлик ва танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиши;

капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва унинг аҳолини, лойиҳалаштириш ва қурилиш ташкилотларини, қурилиш индустрияси корхоналарини рейтинг баҳоларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини жорий этади;

лойиҳалаш ва пудрат ташкилотлари, қурилиш индустрияси корхоналари ва инвестиция фаолиятининг бошқа қатнашчилари тўғрисидаги маълумотлар банкни, шунингдек қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари нархлари, қурилиш машиналари ва механизмлари қиймати, транспорт харажатлари, ҳудудлар, тармоқ вазирликлари ва идоралари бўйича қурувчи ишчилар иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот банкни шакллантиради;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат нормалари ва Қоидалари ишлаб чиқирилиши, рўйхатдан ўтказилиши, тасдиқланиши, амалга жорий этилиши ва қайта кўриб чиқирилиши тартибини белгилайди;

муҳандислик изланишлари соҳасида ягона техника сиёсатини амалга оширади, капитал қурилиш учун комплекс муҳандислик изланишларининг Давлат фондини яратди;

турар жой, жамоат бинолари ва бошқа бияоларнинг кўп марталаб қўлланиладиган яққа тартибдаги, намунавий ва тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатига, шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятида шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширади, қурилиш объектлари рўйхатдан ўтказиши ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар беради;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қоида бузилишлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий ва бошқа жазоларни белгиланган тартибда қўллади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда материалларни йўл қўйилган қоида бузишларда айбдор бўлган юридик ва мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига беради;

капитал қурилишда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ишларини ва танлов савдолари мониторингини, шартнома муносабатларини мустаҳкамлаш, шартнома мажбуриятлари бажарилиши таъминланиши учун жавобгарликнинг турли шакллари жорий этиш бўйича ишларни ташкил этади;

қурилиш қийматини аниқлаш методларини ишлаб чиқади, моддий-техника ресурслари сарфининг смета-норматив базасини ва норматив кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни ташкил этади;

капитал қурилишда шартномавий жорий нархлар ва тарифларни шакллантириш бўйича методологик кўрсатмалар ва тавсияларни ишлаб чиқади;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан биргаликда шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятида таркибий, илмий-техник ва иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди;

тармоқни ривожлантиришнинг ягона илмий-техник концепцияси ўтказилишини таъминлайди ва мақсадли илмий-техник дастурларни амалга оширади;

қурилишнинг техник даражаси ва индустриялаштирилишини ошириш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, ресурсларни тежаш, материаллар ва меҳнат сарфини камайтириш, қурилиш материалларини лойихалаштириш ва ишлаб чиқариш, капитал қурилишда ишларнинг сифатини яхшилаш ишларини ташкил этишда қатнашади;

шаҳарсозлик фаолияти, инвестиция жараёнини бошқариш, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, пудрат ишлари ва қурилиш материаллари бозорини такомиллаштириш, янги техникани ва қурилиш-монтаж ишлари технологияларини қўллаш масалалари бўйича хорижий мамлакатлар ва ташкилотлар билан халқаро илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорликни амалга оширади ва уларда қатнашади, мамлакатимиз корхоналари ва ташкилотларига хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишда кўмаклашади;

ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этади;

қурилиш соҳасида фаолиятнинг айрим турларини лицензиялайди, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш соҳасида лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи функциясини бажаради, унинг қарорларига кўра лицензияларни расмийлаштиради, лицензия битимлари тузади, лицензиялар реестрини юритади, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, лицензияларнинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туради ҳамда лицензияларнинг амал қилишини тиклайди.

қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларни стандартлаштириш ва сертификатлашни амалга оширади;

ҳар йили 1 февралгача Вазирлар Маҳкамасига капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳамда қурилиш маҳсулотлари қийматига таъсир қилувчи нарх шакллантирувчи омилларнинг ҳолати тўғрисидаги таҳлилдий маълумотномаларни тақдим этади, унда марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилаётган бўъектлар қурилишига харажатлар моддалар бўйича кўрсатилади;

аҳолини шаҳарсозлик фаолияти тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиб боради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

IV. "Давархитектқурилиш" қўмитасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. "Давархитектқурилиш" қўмитасига ўзига юкланган функцияларни амалга ошириши учун қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида капитал қурилишдаги иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш масалалари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш;

ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, корхоналар ва ташкилотлардан сўраш ва белгиланган тартибда олиш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ва методологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг топширирига кўра халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш, ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича хорижий давлатлар билан битимлар тайёрлаш ва тузишда, халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотлар (комиссиялар) ишида қатнашиш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида энг муҳим муаммоларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссиялар ва кенгашлар ташкил этиш;

илмий-тадқиқот, технология, лойиҳа-конструкторлик ташкилотларини, олий ўқув юртлири ва бошқа муассасалар мутахассисларини, шунингдек алоҳида олимларни материалларни ишлаб чиқишга жалб этиш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги энг яхши илмий-техник ишланмаларни ҳамда ҳудудларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларини танлаш учун танловлар эълон қилиш ва танлов комиссиялари ташкил этиш;

лойиҳалаштириш ва қуришнинг сифати ҳамда техник даражасини, ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларни стандартлаштириш ва сертификатлаш ишлари ташкил этилишини белгиланган тартибда назорат қилиш; назорат натижалари бўйича тегишли Қарорлар қабул қилиш;

танлов ҳужжатларининг сифати ва таркибини, марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган капитал қурилишда товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишнинг белгиланган тартиб-қоидаларига риоя этилишини текшириш;

молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига амалга оширилаётган қурилишда танлов савдолари натижалари тўғрисида буюртмачиларнинг ҳисоботларини келишиш;

молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига амалга оширилаётган қурилиш объектлари бўйича танлов савдолари ва тузилган

шартномалар шартларининг буюртмачилар ва пудратчилар томонидан бажарилиши мониторингини ўтказиш;

тасдиқланган лойиҳа ҳамда қурилиш нормалари ва қоидалари бузилган ҳолда амалга оширилаётган объектлар қурилишини тўхтатиб қўйиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима солиш ва бошқа жазолар бериш;

материалларни объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш қоидаларини бузиш ҳоллари бўйича - ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳамда объектларни (якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари) қурилиш нормалари ва қоидалари бузилган ҳолда фойдаланишга топшириш ҳоллари бўйича статистика органларига статистика ҳисоботидан чиқариш учун - бериш;

вазирликлар, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг, шунингдек улар тасарруфидаги ташкилотларнинг шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти масалалари бўйича қонун ҳужжатларига зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида таклифлар киритиш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мустақил равишда ёки бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш.

9. "Давархитектқурилиш" қўмитаси қуйидагилар учун жавоб беради:

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблари технологияларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни жойлаштириш, режалаштириш ва қуришнинг илмий асосланган схемаларини таъминлаш;

шаҳарлар, қишлоқ аҳоли яшаш пунктлари ва қишлоқлар орасидаги ҳудудларни режалаштириш ва қуришда лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж ишлари сифатига, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя қилинишини ҳисобга олган ҳома уларнинг архитектура-режалаштирилиши ва архитектура-бадий сифатларини яхшилаш, архитектура шаҳарсозликда миллий анъаналарни ривожлантириш устидан назорат қилиш;

лойиҳалаштириш ишларини такомиллаштириш, лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари сифатини ошириш, қурилишда норматив базани янгилаш;

капитал қурилишни янада иқтисодий ислоҳ қилиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг мониторингини олиб бориш, нархларни шакллантириш, пудрат ишлари ва қурилиш материаллари бозорини ривожлантириш методларини такомиллаштириш;

моддий-техника ресурсларини сарфлашнинг смета-норматив базасини ва норматив кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибига риоя қилиш, танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартнома мажбуриятларининг буюртмачилар ва пудратчилар томонидан бажарилиши мониторингини олиб бориш, объектларни қуриш сифати ва муддатларини назорат қилиш.

V. "Давархитектқурилиш" кўмитаси фаолиятини ташкил этиш

10. "Давархитектқурилиш" кўмитасига белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис бошчилик қилади.

"Давархитектқурилиш" кўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган уч нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

11. "Давархитектқурилиш" кўмитаси раиси:

"Давархитектқурилиш" кўмитаси фаолиятига раҳбарлик қилади ва "Давархитектқурилиш" кўмитасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

"Давархитектқурилиш" кўмитасининг марказий аппарати штат жадвалини тасдиқлайди;

тегишли органларда, шунингдек халқаро ташкилотларда "Давархитектқурилиш" кўмитаси номидан вакиллик қилади;

Кўмигага қарашли ташкилотларнинг уставлари (низомлари)ни белгиланган тартибда тасдиқлайди, уларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади, Кўмигага қарашли ташкилотлар раҳбарлари билан қонун ҳужжатларига мувофиқ шартномалар тузади, уларни ўзгартиради ва бекор қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

12. "Давархитектқурилиш" кўмитасида таркибига раис (хайъат раиси) ва раис ўринбосарлари, шунингдек "Давархитектқурилиш" кўмитаси ва унинг таркибий бўлинмаларининг бошқа ходимлари кирувчи 9 кишидан иборат ҳайъат тузилади.

Давархитектқурилиш" кўмитаси ҳайъати аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

13. "Давархитектқурилиш" кўмитаси ҳайъати ўз мажлисларида шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ягона сиёсатни ўтказиш, шаҳарсозлик даражасини ошириш, қурилишда илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалаларини ҳамда "Давархитектқурилиш" кўмитаси фаолиятига тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқади, "Давархитектқурилиш" кўмитаси ташкилотларига амалий раҳбарлик қилиш масалаларини, шунингдек Қарорлар, буйруқлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа норматив ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилади.

14. "Давархитектқурилиш" кўмитаси хузурида шаҳарсозлик ва капитал қурилишда илмий-техника тараққиёти муаммоларини мақбул тарзда этиш йўллари кўриб чиқиш ва излаш учун илмий-техника кенгаши тузилади. Илмий-техника кенгашига Кўмига раиси бошчилик қилади. Кенгашнинг шахсий таркиби ва унинг тўғрисидаги Низом Кўмига раиси томонидан тасдиқланади. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар мутахассислари Илмий-техника кенгашида ишлашга жамоатчилик асосида жалб қилиниши мумкин.

15. Бошқармалар ва бўлимлар "Давархитектқурилиш" кўмитаси марказий аппаратининг асосий таркибий бўлинмалари ҳисобланади.

"Давархитектқурилиш" кўмитаси бошқармалари ва бўлимлари бошлиқлари "Давархитектқурилиш" кўмитаси раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

16. "Давархитектқурилиш" кўмитаси таркибига қуйидагилар киради:

Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш кўмитаси;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари;

шаҳарлар ва туманлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари);

Давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари;

Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари;

Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари;

Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика маркази;

Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш маркази;

"AQATM" ахборот-жорий этиш маркази.

17. Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш давлат кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарор тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси раиси томонидан қабул қилинади.

Бошқа таркибий бўлинмалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси раиси қабул қилади.

18. "Давархитектқурилиш" кўмитаси марказий аппарата тузилмаси ва ходимлари сони, Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш кўмитаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари тузилмаси ва ходимлари сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

19. "Давархитектқурилиш" кўмитаси марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш кўмитаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари таъминоти харажатларини маблағ билан таъминлаш давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

20. "Давархитектқурилиш" кўмитаси марказий аппаратининг штат жадвали, шунингдек унинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар ҳамда уларнинг штат жадвали молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин, "Давархитектқурилиш" кўмитаси раиси томонидан тасдиқланади.

21. "Давархитектқурилиш" кўмитаси ходимларини моддий рағбатлантириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

"Давархитектқурилиш" кўмитасида Ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси ташкил этилади. Жамғарма маблағлари капитал қурилишда қонунбузишлар учун жазо жарималари қўллашдан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси тасарруфига тушган маблағларнинг бир қисмини ажратиш ҳисобига ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига белгиланган тартибда шакллантирилади.

Ривожлантириш ва моддий рағбатлантиришда жамғармаси тўғрисидаги низом Молия вазирлиги билан келишган ҳолда "Давархитектқурилиш" кўмитаси ҳайъатининг қарори билан тасдиқланади.

22. "Давархитектқурилиш" кўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ журналлар, газеталар таъсис этади ва нашр қилади ҳамда радио ва телевидениеда мавзули дастурлар шакллантирилишини таъминлайди.

23. "Давархитектқурилиш" кўмитасини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 2 декабрдаги
538-сон қарорига
ба-илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш
кўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий
инспекцияси тўғрисида
Намунавий низом

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 25-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг (кейинги ўринларда "Давархитектқурилиш" кўмитаси деб аталади) давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциясининг (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" кўмитасига ҳисоб беради.

2. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Олий Мажлис қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" кўмитасининг буйруқлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

3. Инспекция Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" кўмитаси тизимига киради, қонун ҳужжатларида белгиланган ўз ваколатлари доирасида

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат стандартларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилади.

4. Инспекция давлат мулки шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ўзбек ва рус тилларида ёзилган муҳрга, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига эга бўлади.

II. Инспекциянинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

объектлар қурилишини молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, Қурилишнинг барча босқичларида лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатига, давлат стандартларига, қурилиш нормалари ва Қоидаларига, ишларни амалга ошириш технологиясига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

молиялаштириш манбаларидан ва буюртмачининг мулкчилик шаклларида қатъи назар, яқка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари барча қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш;

бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг, қўлланаётган қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг давлат стандартлари талабларига ва техник шартларга мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш;

қурилиш индустрияси корхоналарида қурилиш материаллари, конструкциялари, буюмларини ишлаб чиқариш шарт-шароитларининг давлат стандартларига, норматив-техник ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишларида мажбурий равишда қатнашиш;

иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, объектларни қуриш ва қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқариш сифати устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари бўйича норматив-методик ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

қурилишда стандартлаштириш ва қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини сертификатлаш бўйича ишларни амалга ошириш.

6. Инспекция ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги назорат функцияларини бажаради:

а) капитал қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш (яқка тартибдаги уй-жой қурилиши объектлари бундан мустасно) ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга-рухсатнома беради;

б) қуйидагиларни:

аҳоли яшаш пунктларини қуришнинг бош режаси амалга оширилишига риоя қилинишини;

ер участкалари ажратишнинг аҳоли яшаш пунктларини қуришнинг бош режаси қоидаларига мувофиқлигини;

лойиха ҳужжатларининг норматив талабларга мувофиқлигини;

қизил чизиқларга риоя қилинишини;

ажратилган ер участкаларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади;

бошланғич - рухсат бериш ҳужжатлари мавжудлигини назорат қилади ва бош режаларга риоя этилишини назорат қилишда аниқланган ўзбошимчалик билан амалга ошириладиган қурилишни тўхтатиб қўяди, бош режаларнинг аниқланган бузилишларини таҳли қилади, тенденцияларни ҳудудлар бўйича умумлаштиради ҳамда ҳудудий архитектура ва қурилиш бош бошқармасига, хоқимликка ва "Давархитектқурилиш" қўмитасига таҳлилий ахборот ва бош режалар бузилишини бартараф этиш юзасидан тақлифлар тақдим этади;

лойихалаш ва пудрат ташкилотларида - ишлар ва хизматларни бажарувчиларда лойихалаш ва қурилиш фаолиятининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган лицензияланадиган турларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензияларнинг мавжудлигини;

бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг сифатли ва қурилиш нормалари ва қоидаларига, норматив-техник ва лойиха ҳужжатларига мувофиқлигини, шунингдек пудрат ташкилоти томонидан ижро ҳужжатлари юритилишини;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари, тегишли йўл инфратузилмаси қурилиши ва таъмирланишини;

норматив-техник ва лойиха ҳужжатларида назар тутилган синовлар, суратга олишлар ва ўлчашлар ўтказилишини;

қўлланадиган қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг давлат стандартларига, нормалар ва техник шартларга мувофиқлигини қурилиш индустрияси корхоналарида қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқариш шароитларининг давлат стандартлари, нормаларига ва техник шартларга мувофиқлигини назорат қилади;

в) техника комиссияларининг бинолар, иншоотлар, уларнинг қисмлари ва конструктив элементларининг авария ҳолатларини ва авариялари сабабларини текшириш бўйича ишларида қатнашади;

г) шартнома асосида мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳволини уларни тиклаш ёки реконструкция қилиш мақсадида текширади ва ҳулосалар беради;

д) зарур ҳолларда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларининг назорат ўлчовини амалга оширишда қатнашади;

е) қурилиш маҳсулотларининг сифатини таъминлаш, қонун ҳужжатларига риоя қилиш масалалари бўйича давлат назоратининг бошқа ваколатли органлари, илмий-тадқиқот, лойихалаштириш ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

ж) қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитасига давлат стандартлари, қурилиш нормалари ва қоидалари талабларининг бузилишига йўл қўяётган ташкилотлар ва корхоналарнинг муҳандислик-техник қидирувларни ўтказиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш фаолиятини амалга оширишга берилган лицензияларининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида таклифлар киритади;

з) қонун ҳужжатларига мувофиқ қурилиш соҳасидаги қонун бузилишлари учун жарима санкциялари белгилаш тўғрисида қарор қабул қилади;

и) ўтказилган назорат натижаларини умумлаштиради ва таҳлил қилади қурилиш сифатини яхшилаш бўйича норматив талабларни, методик ва йўриқнома ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади;

к) қурилишда стандартлаш ва қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини сертификатлаш ишларини олиб боради.

7. Инспекция:

лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишларининг зарур сифати таъминланиши;

бинолар ва иншоотларнинг сейсмик барқарорлигини таъминлаш тадбирларининг бажарилиши, рўйхатдан ўтказилган қурилиш объектларини архитектура жиҳатидан жихозлаш нормаларига, қоидалар ва стандартлар, техник шартларга риоя этилиши;

лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишларининг, ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг сифатини яхшилаш масалаларини тартибга солувчи норматив талаблар, методик ва йўриқнома ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва такомиллаштирилиши;

қўлланаётган қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг давлат стандартларига, нормалар ва техник шартларга мувофиқлиги устидан зарур назорат таъминланиши;

қурилиш индустрияси корхоналарида қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқариш шароитларининг давлат стандартлари, нормаларига ва техник шартларга мувофиқлиги учун жавоб беради.

8. Марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга оширилган, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишда Инспекция вакили, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Давлат қабул комиссияси раисининг ўринбосари этиб тайинланади.

9. Марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектларни қуришда уни рўйхатдан ўтказган Инспекция ҳар ойда буюртмачига бажарилган ишларнинг шаҳарсозлик нормалари, қоидаларига, стандартларга ва техник шартларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Қурилиш тугаллангандан кейин якуний хулоса берилади.

10. Инспекция мунтазам асосда "Давархитектқурилиш" қўмитасининг Лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифати устидан давлат назорати бош бошқармасига белгиланган шакллар бўйича ахборот ва зарур материаллар тақдим этади.

III. Инспекциянинг ҳуқуқлари

11. Инспекция куйидаги ҳуқуқларга эга:

юкланган вазифаларни бажариш мақсадида ташкилотларда, қурилиш объектларида ҳамда қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқарувчи корхоналарда бўлиш;

лойиҳалаштириш, пудрат ташкилотлари ва буюртмачи ташкилотлардан лойиҳа, технология ва ижро ҳужжатларини ҳамда қўлланилаётган материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатини текшириш учун зарур бўлган бошқа материалларни олиш;

пудрат ташкилотларига конструкциялар, узеллар ва деталларнинг айрим элементларини очишни, тағзаминдаги туирокни синашни ва қайта ёпиб қўйишни, қўлланилган қурилиш материаллари, буюмлари, конструкцияларини, муҳандислик тизимларини синаб кўришни топшириш, зарурат бўлганда тегишли хулоса тайёрлаш учун экспертларни жалб қилиш;

қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича комиссиялар ишида қатнашиш;

йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш тўғрисида ўз ваколатлари доирасида қурилиш қатнашчилари ва қурилиш материаллари, буюмлари, конструкцияларини тайёрловчилар (етказиб берувчилар) томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг объектлар қурилиши сифатини назорат қилувчи техник назорат ишлаб чиқариш хизматлари ҳамда синов лабораториялари ишини танлаб назоратдан ўтказиш;

лойиҳани ишлаб чиққан муаллифлар томонидан муаллифлик назорати юритилишини назорат қилиш, асосланган ҳолларда уларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ санкциялар қўллаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитасига таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитасига капитал қурилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузувчиларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ санкциялар қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

қурилиш материаллари, конструкциялари, буюмларини тайёрлаш, юклаш-тушириш, ташиш, сақлаш бўйича давлат стандартлари талаблари ва техник шартлар бузилишлари аниқланганда уларни ишлаб чиқариш, сотиш ва қўллашни тўхтатиб туриш;

тасдиқланган лойиҳа ечимлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилганда, ушбу бузилишлар пишиқлик ва мустаҳкамлик тавсифларини пасайтиришга олиб келганда, шунингдек бинолар ва иншоотларда авария хавфи пайдо бўлганда, объектлар ўзбошимчалик билан қурилганда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилишини тўхтатиб туриш, якка тартибдаги уй-жой қурилиши бундан мустасно;

буюртмачи ва пудратчининг ташкилотларига капитал қурилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талабларини бузаётган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритиш;

бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва қурилиш объектларининг ҳолати ҳақида эксперт хулосалари бериш;

қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишда қоидалар бузилганлиги тўғрисидаги материалларни тегишли органларга ва қонун ҳужжатларида белгиланган қабул қилиш қоидалари бузилган ҳолда топширилган объектларни статистика ҳисоботидан чиқариш тўғрисидаги материалларни статистика органларига бериш.

IV. Инспекция фаолиятини ташкил этиш

12. Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциясининг давлат инспекторлари ўз фуикционал фаолиятини Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси томонидан ҳар йили ўтказиладиган аттестация натижаларига кўра бериладиган сертификатлар асосида амалга оширадилар.

13. Қурилиш объектларида назорат ишлари буюртмачи ва пудратчининг буйруқлари билан тайинланадиган уларнинг масъул вакиллари иштирокида ўтказилади.

Зарур ҳолларда назорат мақсадлари учун лойиҳалаштириш, банк ва (ёки) бошқа манфаатдор ташкилотлар мутахассислари шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

14. Қурилиш материаллари, конструкциялари, буюмлари саноати корхоналарида назорат ишлари ишлаб чиқаришнинг техник шартларига риоя этилиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар (бош муҳандис, цех бошлиғи, техника назорати бўлими бошлиғи ва бошқалар) иштирокида ўтказилади.

15. Назорат ишлари натижаларига кўра ишларни бажариш дафтарига тегишли ёзув ёзилади, Инспекция инспектори, буюртмачи ва пудратчининг вакиллари имзолайдиган далолатнома тузилади, зарур ҳолларда ёзма кўрсатма берилади.

Буюртмачи ёки пудратчи вакиллари далолатномада баён қилинган хулосаларга рози бўлмаган тақдирда, уни ўз эътирозларини ёзма шаклда қайд этган ҳолда имзолайдилар.

16. Инспекция инспекторлари ўз функционал вазифаларини бажаришда давлат назоратининг бошқа ваколатли органлари, солиқ инспекцияси, банк муассасалари, прокуратура органлари, судлар, ҳокимликларнинг тегишли хизматлари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ва оммавий ахборот воситалари органлари билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

17. Инспекцияларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитасига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

18. Инспекция инспекторлари ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ва етказилган зарар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

19. Инспекциянинг молия-хўжалик фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида амалга оширилади.

Инспекция ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитасига ўз даромадларининг 10 фоизи миқдорида ажратма ўтказди.

20. Инспекцияга Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

21. Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциясини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 2 декабрдаги
538-сон қарорига
8-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси тўғрисидаги ва Давлат идорадан ташқари экспертиза бош бошқармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида" 1995 йил 26 январдаги 19-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 1-сон, 2-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 апрелдаги 146-ф-сон фармойиши.

3. Вазирлар Маҳкамасининг "Хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1999 йил 9 апрелдаги 165-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисидаги Низомни ва унинг тузилмасини тасдиқлаш ҳақида" 1999 йил 8 ноябрдаги 492-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 11-сон, 63-модда),

5. Вазирлар Маҳкамасининг "Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2000 йил 27 апрелдаги 165-сон қарорининг 5 ва 6-бандлари ҳамда қарорга 2, 3 ва 4-иловалар.

6. Вазирлар Маҳкамасининг "Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2000 йил 5 августдаги 305-сон қарорига 3-илова ҳамда қарорга 5-илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 48-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 мартдаги 169-ф-сон фармойиши 1-бандининг иккинчи хат боши ҳамда фармойишга 1-илова 4-бандининг биринчи хат боши.

**Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан 2006 йил 11 мартдаги 06-01-01-сон Қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН**

**Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган,
тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар
фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ
(янги таҳрири)**

Мазкур Низом рус тилида тасдиқланган.
Ўзбек тилидаги матни ахборот тусига эга.
Ноаниқликлар келиб чиқишида ҳужжатнинг
асл нусхасига қаралиши тавсия этилади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши (кейинги ўринларда-Кенгаш), Кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиялари (кейинги ўринларда - вилоят комиссиялари), туман ва шаҳарлар ҳудудий комиссиялари (кейинги ўринларда - туман комиссиялари), назорат қилувчи органлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни ташкил этишда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги "Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-1503-сон, 1998 йил 19 ноябрдаги "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида"ги ПФ-2114-сон, 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳусусий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3619-сон, 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3665-сон фармонларига ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солиш масалаларига доир бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиладилар.

2. Ушбу Низом назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиёлаштиришни тартибга солади.

Ушбу Низом “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда кредит битимларида назарда тутилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларга татбиқ этилмайди.

3. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни ўтказиш, уларни ўтказиш муддатини кўчириш, уларга бошқа назорат қилувчи органларни кўшиш ва текширишларни амалга ошириш ҳамда мувофиқлаштириш билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан қарорлар қарор ёки хат шаклида расмийлаштирилиб, тегишинча Кенгаш раиси (унинг ўринбосарлари) ёки ушбу Низомда назарда тутилган ваколатлар доирасида, вилоят ва туман комиссиялари раҳбарлари томонидан имзоланади.

4. Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни ўтказиш муддати 30 календарь кундан ошмаслиги керак. Истисно тариқасидаги ҳолларда, Кенгаш қарори билан бу муддат кўпи билан 30 кунга узайтирилиши мумкин.

Тегишли асослар (тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, бош бухгалтерларининг йўқлиги, бошқа асосли сабаблар) бўлганда текширишлар ўтказиш муддатини ўзгартиришга Кенгаш қарори билан, режали текширишларни уларни ўтказиш имкони бўлмаганлиги ёки уларда айрим назорат қилувчи органлар ҳудудий бўлинмалари иштирок этиши мумкин бўлмаганлиги сабабли бирмунча кейинроқ муддатларга кўчиришга эса вилоят комиссияларининг қарори билан йўл қўйилиши мумкин.

5. Текширишларни мувофиёлаштириш масалалари билан шуғулланувчи раҳбарлар, масъул ходимлар тайёрланаётган текширишлар режа-жадвалидаги ахборотларнинг махфийлиги ва ишлаб чиқиладиган ахборотдан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилиши учун шахсан жавоб берадилар.

6. Тадбиркорлик субъекти фаолиятини текширишга Кенгаш ёки вилоят комиссияси томонидан белгиланган тартибда рухсат берилган назорат қилувчи органларнинг таркибий тузилмаларига ана шу назорат қилувчи органлар бошқа таркибий бўлинмаларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга бўлган ходимлари тегишли назорат қилувчи орган юқори бўлинмаси раїбарининг мазкур масала бўйича махсус сарори (буйруғи) асосидагина кўшилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларга белгиланган тартибда рухсат берилган битта назорат қилувчи органга бошқа назорат қилувчи органлар, режадан ташқари текшириш ўтказиш учун қонун ҳужжатларида

назарда тутилган асослар бўлган тақдирда, улар томонидан берилган буюртманома асосида, Кенгаш қарори билан қўшилиши мумкин.

Кенгаш ёки унинг ҳудудий бўлинмалари қарорлари билан руҳсат берилган тадбиркорлик субъектларини текширишларни амалга оширишни назорат қилувчи органлар ўзларининг қўйи ҳудудий бўлинмаларига топширишга ҳақли.

7. Ўтказилган текшириш натижаларига рози бўлмаган тадбиркорлик субъектлари низоли масалаларга аниқлик киритиш учун назорат қилувчи органларнинг юёри бўлинмаларига ёзма мурожаат еилиш ҳуқуқига эга. Низоли масалаларга назорат қилувчи органларнинг юқори бўлинмалари Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиялари билан қўшимча равишда келишмасдан туриб, фақат тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларида кўрсатилган масалалар юзасидангина аниқлик киритадилар.

8. Тадбиркорлик субъектлари уларда ўтказиш мўлжалланаётган ёки ўтказилаётган режали ёки бошлаб юборилган режадан ташқари текшириш ҳақидаги ва улар фаолиятини текширишни амалга оширишга руҳсат олган назорат органларининг номи тўғрисидаги ахборотни Кенгаш ёки вилоят комиссиясининг ишчи органларидан бепул олишга ҳақлидирлар. Тегишли ахборотни олиш режаси текширишлар тўғрисидаги ахборотни матбуотда чоп этиш йўли билан ҳам таъминланиши мумкин.

II. РЕЖАЛИ ТЕКШИРИШЛАР

9. Тегишли йил учун тадбиркорлик субъектларини текширишларнинг режа-жадвалларини, кейинчалик тузатишлар киритган ҳолда ишлаб чиқишни назорат қилувчи органлар 1-сон иловага биноан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг йиллик ва йил чоракларига мўлжалланган мувофиқлаштириш режа-жадвалларини шакллантириш принциплари тўғрисидаги тасдиқланган қоидаларига қатъиян мувофиқ ҳолда амалга оширади.

10. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режали текширишлар йилига кўпи билан бир марта одатда комплекс текширишлар кўринишида амалга оширилади, молия-хўжалик фаолиятини текширишлар бундан мустасно.

Қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда риоя этадиган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режали текширишлар, назорат қилувчи органлар томонидан икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади, молия-хўжалик фаолиятини текширишлар бундан мустасно.

Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектлариники эса уч йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил топган тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб икки йил

мобайнида режали текширишдан ўтказилмаслиги керак.

Ҳудудий солиқ органлари томонидан бошқа туманларда (шаҳарларда) рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар, уларнинг ишлаб чиқариш жойлари, савдо шохобчалари ва хизмат кўрсатиш (иш бажариш) жойлари қаерда жойлашганидан қатъи назар, такрорийликни истисно этган ҳолда, тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказилган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вақтда ўтказилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари бўлинмалари фаолиятини режали текширишлар, улар қайси юридик шахс таркибига кирса, шу юридик шахсда ўтказиладиган текширишлар доирасида амалга оширилади.

11. Йиллик режали текширишларни ўтказиш ва тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар 2-сон иловага мувофиқ шаклда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг йиллик ва йил чоракларига мўлжалланган мувофиқлаштириш режа-жадвалларини шакллантириш принциплари тўғрисидаги тасдиқланган қоидаларига қатъиян мувофиқ ҳолда тақдим этилади.

12. Йиллик текширишлар режа-жадвалини ишлаб чиқишда назорат қилувчи органлар томонидан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг йиллик ва йил чоракларига мўлжалланган мувофиқлаштириш режа-жадвалларини шакллантириш принциплари тўғрисидаги тасдиқланган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, текширишларнинг режа-жадвалига киритиш учун тегишли таклифлар қуйидагича тақдим этилади:

- Кенгаш ишчи органига - назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари томонидан текшириладиган тадбиркорлик субъектлари бўйича;
- вилоят комиссияларининг ишчи органларига - назорат қилувчи органларнинг вилоят бўлинмалари томонидан, ўзларининг юқори органлари билан келишилган ҳолда текшириладиган тадбиркорлик субъектлари бўйича;
- туман комиссияларининг ишчи органларига - назорат қилувчи органларнинг туман (шаҳар) бўлинмалари томонидан, ўзларининг юқори органлари билан келишилган ҳолда текшириладиган тадбиркорлик субъектлари бўйича.

Айрим назорат қилувчи органлар учун уларнинг мурожаатлари бўйича Кенгашнинг махсус қарорлари билан таклифлар тақдим этишнинг бошқа тартиби назарда тутилиши мумкин.

13. Назорат қилувчи органларнинг таклифлари асосида Кенгаш томонидан йиллик текширишлар режа-жадвали ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Бунда тадбиркорлик субъектлари қуйидаги ҳолларда текширишлар режа-жадвалига киритилмайди:

тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш тегишли назорат қилувчи

органнинг ваколатига кирмайдиган бўлса;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг йиллик ва йил чоракларига мўлжалланган мувофиқлаштириш режа-жадвалларини шакллантиришнинг принциплари тўғрисидаги тасдиқланган қоидалар шартларига риоя этилмаган бўлса;

тадбиркорлик субъектлари тугатилган ёки тугатиш жараёнида бўлса, шунингдек улар банкрот деб эълон қилинган бўлса;

уларнинг режа-жадвалга киритилиши қонун ҳужжатларига, Кенгаш қабул қилган қарорларга ва ушбу Низомнинг 10-бандига зид бўлса.

Режа-жадвалларга ёки уларга киритилган қўшимчаларга тадбиркорлик субъектини йил давомида биттадан ортиқ текшириш киритилиши мумкин эмас.

14. Текширишларни ўтказишга тааллуқли таклифларни кўриш бўйича ишларни мувофиқлаштириш режа-жадвални ишлаб чиқишнинг барча босқичида Кенгашнинг, тегишли вилоят ва туман комиссияларининг ишчи органлари томонидан, зарурият бўлганда назорат қилувчи органлар вакилларининг иштирокида, амалга оширилади.

15. Назорат қилувчи органларнинг ушбу Низомнинг 10-13-бандлари талаблари ҳисобга олинган ҳолда тақдим этилган таклифлари асосида текширишлар режа-жадвалига Кенгаш қарори билан тасдиқланган қўшимчалар ва аниқлаштиришлар киритилиши мумкин.

III. РЕЖАДАН ТАШҚАРИ ТЕКШИРИШЛАР

16. Режадан ташқари текширишлар (шу жумладан қисқа муддатли текширишлар) назорат қилувчи органлар томонидан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига биноан уларнинг ўтказилишини асослаб берадиган сабаблар мавжуд бўлган қуйидаги алоҳида ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

текширишларни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиққанда (агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳуку матининг қарорларида текшириладиган субъект номи аниқ белгиланган бўлса, бунда Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси розилигини олиш талаб қилинмайди);

назорат қилувчи органга тадбиркорлик субъекти томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳоллари тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда (корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган, аниқ далилланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўрсатилган ахборот қўшимча маълумот бўлиб хизмат қилиши мумкин);

фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш зарур бўлганда;

санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни

давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

Шунингдек назорат қилувчи органларга тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини текширишни сўраб, асослантирилган илтимос билан мурожаат этган тақдирда ҳам режадан ташқари, молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текшириш ўтказилиши мумкин.

17. Ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатилган асослар бўйича тадбиркорлик субъектини ёки унинг бўлинмаларини режадан ташқари текшириш ўтказиш зарурияти туғилган тақдирда (текширишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматининг қарорлари бўйича ўтказиладиган ҳоллардан, агар қарорларда текшириладиган субъект номи аниқ кўрсатилган бўлса, ташқари), назорат қилувчи органнинг марказий аппарати Кенгашга, назорат қилувчи органларнинг ҳудудий бўлинмалари эса тегишинча вилоят ва туман комиссияларига режадан ташқари текширишни ўтказиш учун уни ўтказишнинг зарурлигини асослаган ҳолда 3-иловага мувофиқ шаклда буюртманома ҳамда назорат органи раҳбари томонидан имзоланган текширишни ўтказиш режасини юборади.

18. Назорат қилувчи орган ҳудудий бўлинмасининг тадбиркорлик субъекти фаолиятини муддати бир кундан ортиқ бўлган режадан ташқари текшириш ўтказишга буюртманомаси ва текширишни ўтказиш режаси вилоят комиссиясида ўрганиб чиқилганидан кейин сўралган текширишни ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Кенгашга юборилади.

Назорат қилувчи орган ҳудудий бўлинмасининг тадбиркорлик субъекти фаолиятини муддати бир кун бўлган режадан ташқари текшириш ўтказишга буюртманомаси ва текширишни ўтказиш режаси ҳудудий комиссия томонидан ўрганиб чиқилади, шундан сўнг вилоят комиссияси режадан ташқари текширишни ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

19. Кенгашнинг, унинг вилоят ва туман комиссияларининг ишчи органлари тақдим этилган буюртманомалар ва текшириш ўтказиш режалари асослилигини, текширишларни ўтказиш режаларининг назорат қилувчи орган зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқлигини, ўрганиладиган масалаларни тегишли назорат қилувчи органлар билан биргаликда ўрганиб чиқадилар ҳамда вилоят ва туман комиссиялари ишчи гуруҳларининг режадан ташқари текшириш ўтказиш учун тақдим этилган буюртманомаларни кўриб чиқишга доир хулосаларини инобатга олган ҳолда тегишинча Кенгашга, унинг вилоят комиссияларига таклиф киритадилар, улар режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида ёки уни ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қиладилар, режадан ташқари текшириш ўтказишга рухсат берилган тақдирда текшириш режасини келишиб оладилар.

20. Режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисидаги ёки уни ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарор қисқа муддатларда, бироқ буюртманома келиб тушган

кундан эътиборан икки ҳафтадан кечиктирмай қабул қилинади ва тегишинча Кенгаш раиси (унинг ўринбосарлари) ёки ушбу Низомда назарда тутилган ваколатлар доирасида вилоят комиссияси раиси томонидан имзоланади ҳамда назорат қилувчи органга юборилади.

21. Улгуржи ва чакана савдодаги умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан савдо-сотиқ ҳамда нақд пул тушумини топшириш қоидаларига риоя этилишини режадан ташқари қисқа муддатли текширишлардан ўтказиш тўғрисидаги қарорлар истисно тартибда туман комиссияларининг раислари ёки вилоят комиссиялари раисларининг ўринбосарлари - солиқ бошқармалари бошлиқлари томонидан имзоланадиган рўйхатлар кўринишида расмийлаштирилади. Рўйхатларда текширилаётган тадбиркорлик субъекти номи ва СТИР, текширилаётган тадбиркорлик субъекти улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш объектининг юридик манзили, шунингдек объект амалга ошираётган фаолият тури ва режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказиш муддати кўрсатилиши керак.

22. Фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш, санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашиши, шунингдек бошқа давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли билан боғлиқ режадан ташқари текширишларни ўтказиш тўғрисидаги қарор, санитария назорати ва табиатни муҳофаза қилиш органлари мурожаати асосли бўлган тақдирда текшириш ўтказиш учун буюртманома келиб тушган куни қабул қилинади.

23. Юқори назорат қилувчи органлар ўзларининг ҳудудий бўлинмаларига тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишдан ўтказиш ҳақидаги топшириқларни уларни ўтказиш тўғрисида фақатгина Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиясининг қарори бўлган тақдирдагина юборадилар.

24. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини муқобил текширишлар назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тегишинча Кенгаш ва унинг вилоят комиссияси қарори бўйича, еўзјатилган жиноят ишлари бўйича эса - текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарорга асосан, фақат уларнинг текширилаётган тадбиркорлик субъекти билан ўзаро муносабатларига доир қисм бўйича ўтказилади. Тадбиркорлик субъектининг текшириш объекти билан ўзаро муносабатлари дейилганда шахсларнинг ҳужжат билан тасдиқланган аниқ алоқасини тушуниш керак. Муқобил текширишларни ўтказилаётганда тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текшириш предметига тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади.

25. Назорат тартибда текширишларни ўтказиш назорат қилувчи органлар

томонидан уларнинг ўзлари ўтказган текшириш натижалари бўйича фақат далолатномада (маълумотномада) белгиланган ҳолатлар бўйича ва муддатларда, Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси қўшимча қарорисиз амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъекти текшириш натижалари бўйича далолатномада (маълумотномада) белгиланган муддатларда назорат тартибида текширишлар ўтказишга рози бўлмаса, уларни ўтказиш муддатлари мазкур Низомнинг 17-19-бандларида кўрсатилган тартибга мувофиқ вилоят комиссияларининг қарорлари билан белгиланади. Бунда ўтказилган текшириш натижалари бўйича далолатнома (маълумотнома) назорат тартибида текшириш ўтказиш зарурлигига асос бўлади.

IV. НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ КЕНГАШ (ВИЛОЯТ КОМИССИЯЛАРИ) БИЛАН ҚЎШИМЧА РАВИШДА КЕЛИШУВСИЗ АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН НАЗОРАТ ВАЗИФАЛАРИ

26. Назорат қилувчи органлар зиммаларига қонун ҳужжатлари билан юклатилган назорат вазифаларини 4-иловада назарда тутилган ҳолларда Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча равишда келишувсиз амалга оширади.

27. Назорат қилувчи органлар томонидан мазкур бўлимга мувофиқ ўтказилган назорат тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар ўтказилган текширишлар тўғрисидаги йилнинг ҳар чорагига доир маълумотларга киритилмайди, йил якунлари бўйича эса бу назорат вазифаларининг амалга оширилиши тўғрисидаги умумлашма ахборот Кенгашга тақдим этилади.

V. ТЕКШИРИШЛАРНИ ЎТКАЗИШ МОНИТОРИНГИ

28. Текширишлар режа-жадвалига риоя этилиши мониторингини Кенгашнинг ва унинг вилоят, туман комиссияларининг ишчи органлари олиб борадилар, улар Кенгаш барча даражадаги ҳудудий комиссияларининг жойлардаги назорат қилувчи органлар билан ўзаро доимий алоқасини таъминлайдилар ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилган текширишларни махсус компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда ойма-ой таълил қилиб борадилар.

29. Назорат қилувчи органларнинг ҳудудий бўлинмалари йилнинг ҳар чорагида ўтказилган текширишлар тўғрисидаги маълумотларни 5 ва 6-иловалардаги шаклда ва муддатларда тегишли вилоят, туман комиссияларига ҳамда ўзларининг юқори ташкилотларига тақдим этадилар, улар эса бу маълумотларни умумлаштирадилар ва ҳисобот даври якунлари бўйича йиғма маълумотларни Кенгашнинг ишчи органига тақдим этадилар.

Назорат қилувчи органлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳар ойнинг 3-кунигача, улар томонидан ўтган ойда ўтказилган текширишларнинг бошланган ва тугалланган санаси тўғрисидаги маълумотларни Кенгашнинг, вилоят ва туман комиссияларининг ишчи органларига компьютер маълумотлар базасига киритиш

учун, тақдим этадилар.

Режадан ташқари текширишларнинг бошланганлиги, тугалланганлиги ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни назорат қилувчи органлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари тегишинча Кенгашнинг, вилоят ва туман комиссияларининг ишчи органларига текшириш тамом бўлганидан кейин 10 кунлик муддат ичида тақдим этадилар.

30. Кенгаш, вилоят ва туман комиссиялари, тадбиркорлик субъектлари фаолияти текшириляётганда назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан еонунга хилоф ҳаракатларни содир этиш ҳолатлари аниқланган тақдирда тегишли чора кўриш учун бу ҳақда прокуратура органларига зудлик билан хабар қилади.

VI. ЖАВОБГАРЛИК

31. Кенгаш ва ҳудудий комиссиялар аъзолари ҳамда улар ишчи органларининг ходимлари, шунингдек назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари ушбу Низомнинг меъёр ва талаблари бажарилиши учун шахсан жавобгар бўладилар.

Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида Низомга 4-ИЛОВА

Назорат қилувчи органларнинг Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз амалга ошириладиган назорат функциялари РЎЙХАТИ

Назорат қилувчи органлар томонидан Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз назорат функциялари қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг тадбиркорлик субъектлари томонидан тегишли рухсатномаларсиз ишлаб чиқарилиши ва сотилиши, шунингдек акциз маркалари мавжуд эмаслиги ёки қалбакилаштирилиши далиллари тўғрисида ишончли маълумотлар мавжудлигида бунга ваколати бўлган солиқ ва бошқа органлар томонидан муомаладан ушбу маҳсулотлар қонун билан белгиланган тартибда тезкор олиб қўйилишини амалга ошириш. Бунда тадбиркорлик субъектини кейинги текширишлар белгиланган тартибда Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиялари билан келишилиши керак;

сифатсиз ва/ёки контрафакт маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва сотилиши тўғрисида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганидагина лицензия битими

талабларига мувофиқ бундай маҳсулот сотилишига йўл қўймаслик мақсадида Дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатини назорат қилиш бош бошқармаси Фармацевтик инспекцияси томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳамда сотилаётган дори маҳсулотлари устидан назоратни амалга ошириш. Бунда тадбиркорлик субъектини кейинги текширишлар белгиланган тартибда Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиялари билан келишилиши керак;

Кенгаш билан келишилган объектларда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология хизмати ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказиладиган тупроқ, оқава ва ер устидаги сувларни ифлослантириш манбалари мониторинги;

савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек бошқа хусусийлаштирилган корхоналар эгаларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 21 ноябрдаги 402-сон қарори 3-бандига мувофиқ ўтказаетган хусусийлаштириш шартномаларида назарда тутилган фаолият йўналишини сақлаш бўйича шартларга риоя қилиши устидан мониторинг;

Давархитектеурилишназорат органлари билан қурилиш буюртмачилари ўртасида, шунингдек буюртмачилар билан пудрат қурилиш ташкилотлари ўртасида шартномалар мавжуд бўлган ҳолларда амалга ошириладиган қурилиш ишлари сифатининг қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, республика стандартларига, давлат стандартлари ва техник шартларга мувофиқлигини назорат қилиш;

Ўздавдонназорат бўлинмалари томонидан “Ўздонмаҳсулот” ДАКнинг ғалла қабул қилиш пунктларида намуна олиш йўли билан дон қабул қилиш корхоналари омборлари, тегирмонлар ва элеваторларда мавжуд бўлган доннинг намлиги ва ифлослигини таҳлил қилиш;

корхоналар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли рўйхатдан ўтказувчи органларнинг қабул қилган қарорлари асосида тугатилганда;

адлия органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш бўйича кўрсатадиган ҳуқуқий ёрдам, шунингдек тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш. Адлия органлари ҳар чорақда Кенгаш ва тегишли ҳудудий комиссияларга қилинган иш тўғрисида Кенгаш ишчи органи билан келишилган шакл ва муддатларда маълумотлар тақдим этадилар;

Ўзстандарт ёки унинг топшириғига қўра махсус ваколатли шахс (эксперт-аудитор) томонидан зарурат туғилганда (синовлар, сертификатлашлар сифатсиз ўтказилгани, носоз ускуналардан, малакасиз мутахассислардан фойдаланилгани

ва ҳоказолар тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда) Ўзстандартда аккредитацияланган ва лицензия олган синов лабораториялари (марказлари) лицензия келишувларининг шартларига риоя қилиши устидан амалга ошириладиган назорат;

Ўзбекистон Республикасининг саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг Кенгаш билан келишилган объектларга, доимий равишда бириктирилган ва уларда жойлашган инспекторлари объектларда ишларни юритиш ва юк ташиш хавфсизлиги ҳолати юзасидан амалга оширадиган назорат;

“Ўзбекэнерго” ДАК объектларида доимий ўрнашган Ўздавэнергоназорат бош техник инспекторлари Кенгаш билан келишган ҳолда амалга оширадиган ишларни хавфсиз юритишни назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан табиий, техноген, террорчилик-қўпоровчилик тусидаги фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш ва улардан ҳимоя қилиш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 декабрдаги 528-122 ва 2002 йил 4 июндаги 195-38-сон қарорлари билан тасдиқланган Рўйхатларга мувофиқ, вазирлик ёки унинг ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг кўрсатмалари асосида объектларда фуқаролик ҳимояси талабларига риоя этиш масалалари бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналарда Молия вазирлиги ҳузурида барпо этилган давлат жамғармалари маблағларидан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ масалалар бўйича назоратнинг (текширишларнинг) амалга оширилиши, бунда мазкур текширишлар бевосита корхоналарда Ўзбекистон Республикаси молия вазири тасдиқлаган режалар ва буйруқларга биноан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси (Жамғарма)нинг маблағларини назорат қилиш ва ишлатиш инспекцияси томонидан, Жамғармани бошқариш кенгаши билан келишган ҳолда, Жамғармадан маблағ ажратилган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган, Жамғармадан ажратиладиган маблағлардан қонуний, мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан назоратнинг амалга оширилиши;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, уларнинг бўлинмалари билан ҳамкорликда, дон тайёрлаш, уни сақлаш ва қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш чоғида “Ўздонмаҳсулот” ДАК корхоналарининг харажатлари устидан доимий мониторинг ўтказилиши, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4

декабрдаги “Дон тайёрлаш ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимида харажатларни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” 424-сон қарори 3-бандида назарда тутилган бирламчи ҳужжатлар бўйича харажатларни корхоналарга бориб ўрганиш;

ҳукумат кафолати билан берилган марказлаштирилган маблағлардан (шу жумладан кредитлар) мақсадли фойдаланиш, қурилиш муддатларига, ажратилган маблағларни қайтариш ва улардан фойдаланиш учун тўлов муддатларига риоя этиш, банк билан қурилиш буюртмачилари, шунингдек банк билан молияловчи тараф ўртасидаги шартномаларга мувофиқ тижорат банклари ўтказадиган, бажарилган ишларнинг назорат ўлчовларини ўтказиш устидан назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан Давсанэпидназорат ёки унинг ҳудудий бўлинмалари бўйича буйруқларга мувофиқ сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган, истеъмолчиларни водопровод суви билан таъминлайдиган, оқава сувларни чиқариб ташлайдиган хўжалик юритувчи субъектларда намуналар танлаб олиш йўли билан сут ва сут маҳсулотлари, водопровод суви ва оқава сувларни ҳар ойда лабораторияларда тадқиқ этишни амалга ошириш, шунингдек мавжуд қонунларга кўра тиббий кўриқдан ўтиши керак бўлган савдо, умумий овеатланиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларида тиббий шаҳодатланиш дафтарчаларининг мавжудлигини олти ойда кўпи билан бир маротаба мониторингдан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан пахта хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашнинг бутун даври мобайнида пахта тозалаш корхоналарини тайёрланаётган, қайта ишланаётган ва сақланаётган пахта хом ашёсининг миқдори ва сифати, пахта толаси ва пахта маҳсулотини сотиш масалалари бўйича текширишлар, шунингдек пахтакор хўжаликларни сифатли уруғлик чигитлар билан таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазири тасдиёлаган махсус жадваллар ёки унинг ёзма топшириқларига кўра ғўза навларини жойлаштириш бўйича белгиланган топшириқларга риоя этилишининг текширишлардан ўтказилиши;

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан куз фаслида хазонларни, ғалла экинлари йиғиб олинганидан кейин далаларда сомонларни ёқишни, дарахтларни ноқонуний арралашни, очиқ оловни қўллаган ҳолда баланд уйлар томларида битум эритишни ва ихтиофауна захираларини ноқонуний овлашни баргараф этиш бўйича амалга ошириладиган тезкор назорат тадбирлари ўтказилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат резервларини бошқариш қўмитаси томонидан давлат резервлари жойлаштирилган тадбиркорлик субъектларида назорат вазифаларининг амалга оширилиши;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бошдаварантин томонидан республика ҳудудини чет эл мамлакатларидан карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлар кириб келишидан муҳофаза еилиш, карантиндаги ва бошқа хавфли зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни ўз вақтида аниқлаш, уларни локаллаштириш ҳамда тугатишни ташкил этиш, шунингдек улар кириб келишининг олдини олиш, белгиланган қоидаларга риоя қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва бошқа ўсимлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва ишлатиш чоғида ўсимликлар карантини бўйича тадбирларни амалга оширишга доир назорат вазифаларининг амалга оширилиши.

Назорат қилувчи органлар фаолиятининг
мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг
2001 йил 23 апрелдаги 01-сон Қарори
билан Тасдиқланган

Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик
юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш
тартиби тўғрисида
Низом

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 15.04.2002 йил
1029-1-сонли Қарорининг 1 бандига асосан ўзгартиришлар
киритилган. (Ўзгартириш фақат рус тилидаги ҳужжатнинг
матнида берилган)

I. Умумий қоидалар

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши (бундан сўнг-Кенгаш), Кенгашининг Қарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссиялари (бундан сўнг-вилоят комиссиялари), туман ва шаҳарлар бўйича ҳудудий комиссиялари (бундан сўнг-туман комиссиялари), назорат қилувчи органлар ва уларнинг бўлинмалари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларнинг режа-графикларини шакллантираётганда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг давлат назорати тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги "Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида" ПФ-1503-сон, 1998 йил 19 ноябрдаги "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида" ПФ-2114-сон Фармонларига, Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 6 апрелда 917-сон билан рўйхатга олинган Хўжалик

юритувчи субъектларни текширувдан ўтказиш ва Текширишларни рўйхатга олиш дафтари юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш тартибга солиш масалаларига доир Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиладилар.

2. Мазкур Низом хўжалик юритувчи субъектлар текширувини ташкил қилишни янада тартибга солиш, турли назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текширишлардаги параллелизм ва такрорлаш фактларини бартараф этиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига уларнинг асоссиз аралашушига йўл қўймаслик, шунингдек тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган.

3. Мазкур Низомда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг давлат назорати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан келиб чиқадиган қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилган:

назорат қилувчи органлар - хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишга қонун томонидан ваколат берилган вазирлик ва идоралар;

текшириш - назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган, хўжалик юритувчи субъектларнинг улар фаолиятини тартибга соладиган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларини ижро этишлари устидан бир вақтда ўтказиладиган назорат;

қисқа муддатли текшириш-назорат қилувчи органлар томонидан бир иш уни давомида амалга ошириладиган ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғланмаган текшириш;

комплекс текшириш - бар вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш;

режадан ташқари текшириш - назорат қилувчи органлар қонунда назарда тутилган ҳолларда амалга оширадиган текширишларнинг йиллик (чораклик) режа-графикига киритилмаган текшириш (шу жумладан қисқа муддатли текшириш);

муқобил текшириш-ўзаро операцияларнинг бир хиллиги билан боғланган ва турли хўжалик юритувчи субъектларда ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларида жойлашган ҳужжатларни қиёслашдан иборат бўлган текшириш;

назорат тартибида текшириш-назорат қилувчи органлар амалга оширадиган, хўжалик юритувчи субъектларнинг аввалги текширишда аниқланган ҳуқуқ бузилишларини бартараф этишларини текшириш

4. Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддати 30 тақвимий кундан ошмаслиги керак. Истисно ҳолларда, Кенгаш қарори билан бу муддат узайтирилиши мумкин.

5. Раҳбарлар, текширишларни мувофиқлаштириш масалалари билан шуғулланувчи масъул ходимлар тайёрланаётган текширишларнинг режа-графикларидаги ахборотнинг махфий сақланиши ва ишлаб чиқиладиган

ахборотдан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши учун шахсан жавоб берадилар.

6. Хўжалик юритувчи субъектлар улар фаолиятини текширувдан ўтказилиши тўғрисида тегишли ахборотга эга бўлишга ҳақлидирлар.

Мазкур ҳуқуқ хўжалик юритувчи субъектларнинг ана шундай ахборотни Кенгашнинг ишчи органлари ёки унинг ҳудудий комиссияларидан олиши йўли билан амалга оширилади.

II. Режадаги текширишлар

7. Йил (чорак) учун текширишларнинг режа-графикларини ишлаб чиқиш 1-Иловага (илова рус тилидаги ҳужжатнинг матнида берилган) биноан амалга оширилади.

8. Йил (чорак) учун режадаги текширишларни ўтказиш ва текширишларнинг тасдиқланган режа-графикга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни назорат қилувчи органлар 2-Иловага (илова рус тилидаги ҳужжатнинг матнида берилган) биноан шаклда тақдим этадилар.

Назорат қилувчи органлар ўзлари ишлаб чиққан мезонлар ва улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинган текширишлар режа-графикга бўйича таклифларга киритиш учун объектларни синчиклаб танлаб оладилар.

9. Таклифлар асосида Кенгаш томонидан текширишларнинг йиллик (чораклик) режа-графиклари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади, уларда комплекс текширишлар ажратилади.

Бунда қуйидаги ҳолларда текширишларнинг режа-графикларига назорат қилувчи органнинг таклифлари киритилмайди:

агар сўралаётган текширишлар тегишли назорат қилувчи органнинг ваколат доирасига кирмаса;

агар хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг аввалги текширувини мазкур назорат қилувчи орган сўнгги 12 ой ичида амалга оширган бўлса (молия-хўжалик фаолиятини текширишлар ва комплекс текширишларни ўтказиш таклифларидан ташқари);

агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги "Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишлари ролини ошириш тўғрисида" 365-сон Қарорига 1-Иловада кўрсатилган шартларни таъминлайдиган хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг бундан олдинги текшируви кейинги 24 ой давомида амалга оширилган бўлса.

10. Йиллик (чораклик) режа-графикларни ишлаб чиқиш пайтида Кенгаш ва тегишли даражалардаги ҳудудий комиссияларнинг ишчи органлари режа-график лойиҳасига фақат айнан шундай даражадаги назорат қилувчи органлар ва уларнинг таркибий бўлинмалари ўтказадган текширишларни киритадилар. Бунда назорат қилувчи органлар томонидан тегишли таклифлар қуйидагича тақдим этилади:

Кенгаш ишчи органига - назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари томонидан текшириладиган хўжалик юритувчи субъектлар бўйича;
вилоят комиссияларининг ишчи органларига - назорат қилувчи органларнинг вилоят бўлинмалари томонидан текшириладиган хўжалик юритувчи субъектлар бўйича;

туман комиссияларининг ишчи органларига - назорат қилувчи органларнинг туман бўлинмалари томонидан текшириладиган хўжалик юритувчи субъектлар бўйича.

11. Режа ишланмасининг барча даражаларида текширишларни ўтказиш бўйича таклифларни мувофиқлаштириш Кенгаш ва тегишли ҳудудий комиссияларнинг ишчи органлари томонидан, зарурият бўлганда назорат қилувчи органлар ва улар бўлинмалари вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

12. Ҳар чоракда, назорат қилувчи органларнинг таклифларини ҳисобга олиб, текширишларнинг режа-графикга объектив асослар бўлган тақдирда ўзгартишлар киритилиши мумкин. Бунда режага қўшимча текширишларни киритиш тўғрисидаги таклифлар тегишли асослар билан мазкур Низомнинг 8 ва 9-бандларида кўрсатилган талабларни ҳисобга олиб киритилиши керак. Навбатдаги чоракка текширишларнинг режа-графикга ўзгартишлар киритиш тўғрисида асосли таклифлар Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

13. Режа-графиклар ёки текширишларнинг режа-графикларига қўшимчалар ўз ичига биргина хўжалик юритувчи субъектни бир йил давомида биттадан ортиқ текширишни олиши мумкин эмас.

14. Режадан ташқари текширишларни ўтказиш учун асос бўладиган ҳолатлар юзага келиши муносабати билан режадаги текширишларни ўтказиш муддатларини кейинга суриш Кенгаш раиси ёки унинг ўринбосари томонидан ҳал этилиши мумкин.

15. Хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари йўқлиги муносабати билан белгиланган муддатларда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали текширишни амалга ошириб бўлмаса, Кенгаш ва унинг вилоят комиссияларининг раислари ёки уларнинг ўринбосарлари тегишлича назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари тақдим этган асосланмаларга биноан истисно ҳолларда бундай хўжалик юритувчи субъектларни текширишни бошқа муддатга кўчириш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

III. Режадан ташқари текширишлар

16. Режадан ташқари текширишларни (шу жумладан қисқа муддатли текширишларни) назорат қилувчи органлар "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг давлат назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига биноан қуйидаги ҳолларда амалга оширишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиқадиган текширишларни ўтказиш зарур бўлганда. Бунда, агар Ҳукумат қарорида

текшириладиган хўжалик юритувчи субъект номи аниқ белгиланган бўлса, Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиясидан розилик олиш талаб қилинмайди;

назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ёки қонун ҳужжатларининг бузилиши фактлари тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушса.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган, аниқ далилланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳуқуқ бузилиши фактлари кўрсатилган ахборот қўшимча маълумот ҳисобланиши мумкин:

фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш мақсадида;

санитария-эпидемиологик вазият мураккаблашгандан, шунингдек қўшни мамалакатлардан юқумли касалликлар келтирилиши ва тарқалиши эҳтимоли пайдо бўлганда.

17. мазкур Низомнинг 16-бандида кўрсатилган сабабларга кўра хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш ўтказиш зарурияти туғилган ҳолларда агар уларда текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг номи аниқ белгиланган бўлса, Ҳукумат қарорларига биноан текшириш ўтказиш ҳолларидан ташқари), назорат қилувчи органнинг марказий аппарати Кенгашга, назорат қилувчи органларнинг ҳудудий бўлинмалари эса вилоят комиссияларига уни ўтказишнинг зарурлигини асослаган ҳолда 3-Иловага (илова рус тилидаги ҳужжатнинг матнида берилган) биноан шаклда режадан ташқари текширув ўтказиш учун буюртманома юборади.

18. Назорат қилувчи орган ҳудудий бўлинмасининг хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш ўтказишга буюртманомасини вилоят комиссияси мазкур текширишни ўтказишга рухсат бериш ёки уни рад этиш масаласини ҳал этиш учун Кенгашга юборади.

19. Мазкур Низомнинг 16-бандида кўрсатилган сабаблар бўйича, хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғланмаган режадан ташқари қисқа муддатли текширишни ўтказиш зарурияти туғилган ҳолларда назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари Кенгашга, назорат қилувчи органларнинг ҳудудий бўлинмалари эса вилоят комиссияларига 3-Иловага биноан шаклда бундай текширишни ўтказишга доир тегишли асослар билан бирга таклифларни тақдим этадилар.

20. Кенгаш ва унинг вилоят комиссиясининг ишчи органлари тақдим этилган буюртманомалар бўйича тегишли назорат қилувчи органлар билан ҳамкорликда уларнинг асослигини ўрганадилар, тегишлича Кенгаш ва унинг вилоят комиссияларига тегишли таклифларни киритадилар, улар режадан ташқари текшириш ўтказиш ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

21. Режадан ташқари текшириш ўтказиш ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор буюртманома келиб тушган кундан бошлаб икки ҳафталик муддатдан кечиктирмай қабул қилинади ва қарор ёки хат кўринишида расмийлаштирилади, унга тегишлича Кенгаш раиси (ёки унинг топшириғига кўра ўринбосари) ёхуд вилоят комиссиясининг раиси имзо чекади ҳамда назорат қилувчи органга юборилади.

22. Санитария-эпидемиологик вазиятнинг мураккаблашиши, шунингдек, қўшни давлатлардан юкумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли билан боғлиқ режадан ташқари текширишларни ўтказиш тўғрисидаги қарор, санитария ва экологик назорат органлари мурожаати асосли бўлган тақдирда, тезлик билан текшириш ўтказиш учун буюртманома келиб тушган кунда қабул қилинади.

23. Юқори турувчи назорат органлари, уларни ўтказиш тўғрисида Кенгаш унинг вилоят комиссисининг қарори бўлган тақдирдагина, ўз ҳудудий бўлинмаларига хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш тўғрисида топшириқнома юборадилар.

IV. Муқобил текширишлар ва назорат тартибдаги текширишлар

24. Хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишларни назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари тегишли Кенгаш ва унинг вилоят комиссиянинг қарори бўйича, қўзғатилган жиноий ишлар бўйича эса-текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарорга асосан, фақат уларнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатлари бобда ўтказадилар. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг текширилиш объекти билан ўзаро муносабати деганда шахсларнинг ҳужжат билан тасдиқланган аниқ алоқасини тушиниш керак.

25. Муқобил текширишларни ўтказиш учун назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари ва уларнинг бўлинмалари 3-Иловага (илова рус тилидаги ҳужжатнинг матнида берилган) кўра шаклда тегишлича Кенгашга ёки унинг вилоят комиссияларига буюртманома юборадилар.

Буюртманомага текшириш ўтказишнинг зарурлигини асослайдиган ҳужжатлар илова қилинади.

26. Етарли асослар мавжуд бўлганида назорат қилувчи орган буюртманомаси келиб тушган кундан бошлаб бир ҳафтадан кечиктирмай, назорат қилувчи органлар марказий аппаратларининг буюртманомалари бўйича Кенгаш раиси томонидан (ёки Кенгаш раисининг топшириғига кўра-унинг ўринбосари томонидан), назорат қилувчи органлар ҳудудий бўлинмаларининг буюртманомалари бўйича эса - вилоят комиссиясининг раиси томонидан муқобил текширишни ўтказиш ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

27. назорат тартибида текширишларни назорат қилувчи органлар фақат улар томонидан ўтказилган текшириш натижалари бўйича далолатнома (маълумотнома)да белгиланган фактлар бўйича ва муддатларда, Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиясининг қўшимча қарорисиз амалга оширадилар.

V. Назорат қилувчи органларнинг Кенгаш (ҳудудий комиссиялар) билан қўшимча келишувсиз амалга ошириладиган назорат функциялари

28. Назорат қилувчи органларнинг Кенгаш (худудий комиссиялар) билан қўшимча келишувсиз назорат функциялари қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

кўрсатилган кредитларни берган Марказий ва тижорат банклари кредитларидан мақсадли фойдаланиш ва уларнинг қайтарилишини назорат қилиш;

Кенгаш билан келишилган объектларда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология хизмати ва уларнинг худудий бўлинмалари томонидан ўтказилган тупроқ оқава ва ер устидаги сувларни ифлослантириш манбалари мониторинги (саноат корхоналарининг ифлослантириш манбаларидан атроф табиий муҳитга чиқариб ташланган ва оқизилган ифлослантирувчи моддалардан намуналарни асбоблар воситасида танлаб олиш);

Давархитектқурилишназорат органлари билан қурилиш буюртмачилари ўртасида, шунингдек буюртмачилар билан пудрат қурилиш ташкилотлари ўртасида шартномалар мавжуд бўлган ҳолларда амалга ошириладиган қурилиш ишлари сифатининг қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, республика стандартларига, давлат стандартлари ва техник шартларга мувофиқлигини назорат қилиш;

дон қабул қилиш корхоналари омборлари, тегирмонлар ва элеваторларда бўлган доннинг намлиги ва ифлосланганлигини Кенгаш билан келишилган рўйхатлар бўйича Ўздавдонназорат бўлинмалари ўтказадиган намуналарни танлаш йўли билан тадқиқ қилиш;

тегишли рўйхатдан ўтказувчи органларнинг қабул қилинган қарорлари асосида корхоналарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатиш;

суд ижрочилари томонидан суд қарорларининг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш бўйича адлия органлари кўрсатадиган ҳуқуқий ёрдам, шунингдек тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;

зарурат туғилганда (синовлар, сертификатлашлар сифатсиз ўтказилгани. носоз ускунлардан, малакасиз мутахассислардан фойдаланилган ва ҳоказолар тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда) Ўздавстандарт ёки унинг топшириғига кўра махсус ваколатли шахс (эксперт-аудитор) амалга оширадиган, Ўздавстандартда аккредитацияланган ва лицензия олган синов лабораториялари (марказлари) лицензия келишувларининг шартларига риоя қилиниши устидан назорат;

Кенгаш билан келишилган объектларда доимий равишда мустаҳкамланган ва жойлашган, Саноатда ишларни хавфсиз юритишни назорат қилиш ва конлар назорати агентлигининг испекторлари амалга оширадиган, объектларда ишларни юритиш ва юк ташиш хавфсизлиги ҳолатини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси томонидан тижорат банклари муассасаларида, қишлоқ хўжалик

корхоналари ва бошқа корхоналарда Молия вазирлиги ҳузурида барпо этилган давлат фондлари маблағларидан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ масалалар бўйича назоратнинг амалга оширилиши, бунда мазкур текширишлар Ўзбекистон Республикаси молия вазири тасдиқлаган режалар ва унинг буйруқларига биноан амалга оширилади;

Кенгаш томонидан мазкур масала бўйича махсус қарор қабул қилинганда.

29. Назорат қилувчи органлар мазкур Низомнинг 28-бандига мувофиқ ўтказилган назорат тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни ўтказилган текширишлар тўғрисидаги чорақлик маълумотлар киритилмайдилар, балки йил якунлари бўйича кенгашга ушбу назорат функцияларининг амалга оширилгани тўғрисида умумлашган ахборот тақдим этадилар.

VI. Хусусий тадбиркорлар фаолиятини текшириш

30. Назорат қилувчи органлар хусусий тадбиркорларнинг фаолиятини ўз ваколатлари доирасида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширадилар.

VII. Текширишларнинг режа-графикларига риоя этилиши мониторинги

31. Текширишларнинг режа-графикларига риоя этилиши мониторингини Кенгаш ва унинг ҳудудий комиссияларининг ишчи органлари амалга оширадилар.

32. Назорат қилувчи органлар:

ҳар чорақда 4 ва 4а-Иловаларга (иловаларнинг матни рус тилидаги ҳужжатда берилган) биноан шакл ва муддатларда ўтказилган текширишлар тўғрисидаги маълумотларни тегишли ҳудудий комиссияларга ва назорат қилувчи органларнинг юқори ташкилотларига тақдим этадилар, улар бу маълумотларни умумлаштирадилар ва ҳисобот даври якунлари бўйича йиғма маълумотлар Кенгашининг ишчи органига тақдим этилади;

мунтазам равишда, лекин ҳар чорақда камида бир марта, тегишли вилоят ва туман комиссиялари ишчи органларининг маълумотлар компьютер банкига киритиш учун улар ҳисобот даврида ўтказган текширишларнинг бошланиши ва якунланиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар.

33. Кенгаш ва унинг ҳудудий комиссияларининг ишчи органлари назорат қилувчи органлардан айтилган маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тақдим этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
15.05.2001 й.
N 917-1**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРИ ТОМОНИДАН
ТАСДИҚЛАНГАН
08.05.2001 й.**

КЕЛИШИЛГАН

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК
ХИЗМАТИ
15.05.2001 й.**

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗЛИГИ
08.05.2001 й.**

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ
ҚЎМИТАСИ
08.05.2001 й.**

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРОР
08.05.2001 й.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРҚОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШИ
15.05.2001 й.**

**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини
текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш
китобини юритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ
(Янги тахрирда)**

Ушбу Низом "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги ПФ-1503-сон "Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида"ги ва 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сон "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни

тартибга солиш тўғрисида"ги фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сон "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар ва уларнинг таърифлари қўлланилади:

Текширишларни рўйхатга олиш китоби - назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текширишлар тўғрисидаги ахборот киритиладиган расмий йўжжат исобланувчи текширишларни ҳисобга олиш махсус китоби;

хўжалик юритувчи субъект - белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахс;

молия-хўжалик фаолияти - хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, бухгалтерия-молия, ҳисоб-китоб, товарларга оид ва статистика ҳужжатларини юритиш бўйича фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молия, солиқ, божхона, банк ва бошқа органлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро муносабатлари тизими;

назорат қилувчи органлар - хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар;

текшириш - хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ва ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши;

комплекс текшириш - бир вақтнинг ўзида икки ва ундан кўп назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текшириш;

тафтиш - молия ва солиқ масалалари бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқ, давлат статистика органларига ҳамда банкларга тақдим этиладиган ҳисобга олиш ва ҳисобот ишларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерлик, молия ва бошқа ҳужжатларини текшириш;

режадан ташқари текшириш - назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда амалга ошириладиган йиллик (чораклик) текширишлар режасига киритилмаган текшириш (жумладан қисқа муддатли);

қисқа муддатли текшириш - назорат қилувчи органлар томонидан бир иш куни давомида ўтказиладиган ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган текширув;

муқобил текшириш - операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув;

назорат тартибида текшириш - хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

2. Мазкур Низом назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (кейинги ўринларда - текширувчи органлар)нинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини барча текширишлари (молия-хўжалик фаолиятини текшириш, комплекс текшириш, тафтиш қилиш, режадан ташқари текшириш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш ва ҳ.к.), шу жумладан ёнғин, санитария-эпидемиология, ветеринария хавфсизлиги, касса операцияларини юритиш тартиби ва товарлар билан савдо қилиш қоидаларига риоя қилишни текшириш, шунингдек энергия назорати, карантин ва ўсимликлар ҳимояси хизматлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказиладиган текширишлар ва бошқа текширишлар бўйича ҳатти-ҳаракатларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- текширувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

4. Текшириш билан хўжалик юритувчи субъектнинг бевосита текшириш ўтказиш йилидан олдинги фақатгина уч календарь йиллик фаолияти қамраб олиниши мумкин. Бунда илгари текширилган масалалар бўйича текшириш ўтказиш тақиқланади.

Мазкур банднинг қоидалари қўзғатилган жиноят ишлари доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишларга татбиқ этилмайди.

5. Давлат бюджети ва маъсадли давлат жамғармалари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган муассасалар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Прокурор назорати тартибида амалга ошириладиган давлат назорати тегишли қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

6. Мазкур Низом билан тартибга солилмаган муносабатлар амалдаги қонунчилик нормалари билан тартибга солинади.

II. ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИШ УЧУН АСОСЛАР

7. Режали текширишлар ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши (кейинги ўринларда - Кенгаш) ёки унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тегишли ҳудудий комиссиялари (кейинги ўринларда - вилоятлар комиссиялари) томонидан белгиланган тартибда берилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма;

- назорат қилувчи органнинг текширишларни мувофиқлаштириш режаси асосида текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахслар таркиби ва текшириш ўтказиш муддатлари кўрсатилган ҳолда чиқарган буйруғи.

8. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режадан ташқари текшириш учун Кенгашнинг ёки вилоят комиссиясининг текширилаётган объект номи, текшириш ўтказиш мақсади, муддатлари ва унинг сабабларини асослилиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда қабул қилинган қарори, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли назорат қилувчи органнинг мансабдор шахслари таркиби ва текшириш ўтказиш муддати кўрсатилган буйруғи асос бўлади.

9. Режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

агар текширувни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қароридан келиб чиққанда. Бунда агар Президент фармони, фармойишида, Ҳукумат қарорида текшириш ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект номи аниқ кўрсатилган бўлса, Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиясининг розилигини олиш талаб қилинмайди;

назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда. Қўшимча маълумотлар сифатида корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг аниқ исботланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган қонунбузилиш фактлари хизмат қилиши мумкин;

фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда;

